O'zingni angla!

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

2012-yil 11-yanvar, chorshanba ✱ № 2 (754) ✱ 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ✱ elektron manzil: hurriyat@doda.uz ✱ www.uzhurriyat.uz

Миллий мультфильмлар болалар учун

«Мультфильмлар кимлар учун?» мақоласини ўқиб, унда билдирилган айрим фикрлар юзасидан туғилган бир қатор мулоҳазаларни қоғозга туширишга ҳаракат қилинди. Муаллиф унда бугун чиндан ҳам энг долзарб масалалардан бири ҳақида, яъни мультфильмлар ва уларнинг ёшлар онгига таъсири хусусида куюнчаклик билан ўз фикрларини баён этган.

➪ 2-бет

Эгасиз 20 килограмм олтин

Экспертлар олтинларни чиндан ҳам ҳақиқий эканлигини тасдиқлашди. Топилманинг баҳоси эса 800 минг евро. Бироқ шундай қимматбаҳо юкни қолдириб кетган йўловчининг ким эканлиги номаълумлигича қолмоқда. Тахминларга қараганда, олтинлар ноқонуний йўл билан олиб кетилаётган бўлиши керак, акс ҳолда жомадон эгаси уни полиция текшируви чоғида қолдириб кетмаган бўларди.

➪ 5-бет

Ўзбекистон — бағрикенг диёр

Халқимизнинг бағри чинакамига кенг, қалби дарё, саховати тенгсиз. Тарих силсилаларига назар ташлайдиган бўлсак, унинг бу олижаноб фазилатлари барча замонларда, ҳатто энг қийин даврларда ҳам намоён бўлганини кўрамиз.

➪ 8-бет

14 январь — Ватан ҳимоячилари куни



Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, армиянинг қудрати фақатгина унинг жанговар тайёргарлиги, ҳаракатчанлиги, энг янги қурол-яроғлар билан таъминлангани билан эмас, балки Қуролли Кучларимиз сафлари профессионал тайёргарликка эга бўлган шахсий таркиб билан қай даражада тўлдирилгани, офицер, сержант ва аскарларнинг маънавий, ахлоқий-руҳий фазилатлари, уларнинг фаол ҳаётий позицияси ва қатъий эътиқоди, она-Ватан тақдири учун масъулият ҳиссининг нақадар юксак экани билан белгиланади.

Ислом КАРИМОВ

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

■ **6 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсаройда Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтаонинг махсус вакили сифатида мамлакатимизга келган Бутунхитой халқ вакиллари кенгаши Доимий қўмитаси Раисининг ўринбосари Чэнь Чжили хонимни қабул қилди.**

Оқсаройда бўлиб ўтган суҳбат чоғида томонлар Ўзбекистон — Хитой муносабатларини янада ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашдилар.

■ 7 январь куни Ўзбекистон Республикасининг «Рақобат тўғрисида»ги Қонуни матбуотда эълон қилинди.

■ **5 январь куни Президент Ислом Каримов Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ва «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Қонунларига имзо чекди.**

■ 5 январдан Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ маслаҳати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонуни кучга кирди.

■ **4 январь куни Ўзбекистон Республикасининг «Давлат статистикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонуни матбуотда эълон қилинди.**

■ Покистонда чоп этиладиган «Islamabad Policy Research Instituti» («IPRI») журналининг махсус сонида Исломобод сиёсий тадқиқотлар институти директори, доктор Мақсуд-ул Ҳасан Нуринг Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 20 йиллиги ҳамда Ўзбекистон— Покистон ҳамкорлигига бағишланган мақоласи эълон қилинди.

«Hurriyat» газетаси «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси самолётларида ҳам йўловчиларнинг доимий ҳамроҳи.

Тарихдан яхши маълум: давлат ўзўзини, фуқароларини ҳимоя қилолмас экан, ташқи ва ички сиёсатда кўзланган натижага эриша олмайди. Шу маънода Истиқлолнинг илк кунлариданоқ Президентимиз раҳнамолигида миллий армиямизни тузишга, шакллантиришга ҳаракат қилингани замирида ўзига хос теран маъно, моҳият мужассам.

Ватанга муҳаббат жасоратга ундайди

Ўтган йигирма йил мобайнида миллий армиямиз халқимизнинг забардаст ўғлонлари билан ўзига хос куч-қудрат касб этди. Турли ташқи таҳдидлар чоғида синовдан ўтиб, тобланди. Ва айтиш жоизки, дунёнинг манаман деган давлатлари армиялари қаторида зикр этиладиган бўлди.

Соҳада кечаётган муттасил ўзгаришлар, янгиланишлар, ислоҳотларни жамоатчиликка етказиш, юртимиз сарҳадларини туну кун кўриклаётган Ватан ҳимоячиларининг машаққатли ва шарафли ҳаётини ёритишда оммавий ахборот воситалари ҳам муҳим роль ўйнайди. Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 28 октябрдаги Ватан ҳимоячилари куни ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 20 йиллигига тайёргарлик кўриш ва ўтказишга оид Фармойишида кўзда тутилган чора-тадбирлар доирасида журналистика соҳасида «Ватан азиз, жасорат мангу» республика танлови ташкил этилган эди.

4 »

ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИНИНГ 20 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА "ВАТАН АЗИЗ, ЖАСОРАТ МАНГУ" РЕСПУБЛИКА ТАНЛОВИ ҒОЛИБЛАРИ

БОСМА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ:

1-ўрин

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги нашри — **"Ватанпарвар" газетаси жамоаси** (бош муҳаррир — Алижон Сафаров)

2-ўрин

Елена Кузнецова — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бирлашган таҳририяти бўлим мудири

3-ўрин

Баҳодир Валиев — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги матбуот хизмати бош мутахассиси

ТЕЛЕВИДЕНИЕ:

1-ўрин

"Ёшлар" телерадиоканали ЁАЖ "Ватанпарвар" кўрсатуви ижодий гуруҳи (гуруҳ раҳбари — Ҳулкар Тўраева)

2-ўрин

ЎзНТТ ахборот маркази (марказ раҳбари — Жасур Шерматов)

3-ўрин

Дилноз Муртазаева — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси "Спорт" телерадиоканали муҳаррири

РАДИО:

1-ўрин

Гулмира Ражабова — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси "Ўзбекистон" телерадиоканали ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий эшиттиришлар бош муҳарририяти муҳаррири

2-ўрин

Алижон Холов — Фарғона вилояти телерадиокомпанияси "Фарғона" радиоканали муҳаррири

3-ўрин

Аминбой Давлетов — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси "Машъал" радиоси катта муҳаррири

ИНТЕРНЕТ-ЖУРНАЛИСТИКА:

1-ўрин

Холмурод Салимов — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзАнинг маҳаллий ахборот таҳририяти бош муҳаррири ўринбосари

2-ўрин

Зуҳра Оймаматова — "Қашқадарё" газетаси бўлим муҳаррири

3-ўрин

Камиль Миргалаутдинов — "Правда Востока" газетасининг масъул котиби ўринбосари

РАҒБАТЛАНТИРУВЧИ МУКОФОТЛАР СОҲИБЛАРИ:

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги:

1. **Қиличбой Ажибаев** — "Еркин Қорақалпақстан" газетасининг махсус мухбири

2. **Раҳим Мақсудов** — "Қизилтепа тонги" газетаси муҳаррири (Навоий вилояти)

3. **Гулмира Отажонова** — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси "Тошкент" телерадиоканали ахборот дастурлари бош муҳарририяти катта муҳаррири

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги:

1. **Хуршид Рўзиев** — Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бўлинмасининг ОАВ билан алоқалар гуруҳи инспектори

2. **Саъдулла Шодиев** — "Постда" — "На посту" газеталари ва "Қалқон" — "Щит" журнали бирлашган таҳририяти бўлим мудири

3. **Гулзат Қурбонова** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига қарашли "Вақт" — "Время" газеталари мухбири

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги:

1. **Комилжон Абдунабиев** — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги матбуот хизмати раҳбари

2. **Сергей Левченко** — "Народное слово" газетасининг бўлим мудири

3. **Беҳзод Қодиров** — Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси аъзоси "Ишонч" телерадиокомпанияси "Ёшлар" студияси мухбири (Сурхондарё вилояти).

ИЖТИМОИЙ ҲАЁТ

Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 20 йиллиги олдидан

Чақирув пунктлари замонавий қиёфа касб этмоқда

Тошкент вилоятида 2011 йилда олтита чақирув йиғин пункти капитал таъмирланди

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг 2008 йил 20 ноябрда қабул қилинган «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони чақирув тизимини тубдан такомиллаштириш, миллий армиямиз таркибини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Мазкур ҳужжат ижроси юзасидан Тошкент вилоятида ҳам муайян ишлар амалга оширилаётир. 2010 йилда тўққизта чақирув пункти таъмирдан чиқарилган бўлса, 2011 йилда Қуйичирчиқ, Оққўрғон, Паркент, Чиноз, Янгийўл ва Бекобод туманларидаги чақирув пунктлари тубдан таъмирдан чиқарилиб, замонавий жиҳозлар билан таъминланди.

— Президентимиз раҳнамолигида Қуролли Кучларимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида чақирув пунктлари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди Тошкент вилояти мудофаа ишлари бошқармаси чақирув бўлими бошлиғи Ҳамробек Бобожонов. — Чақирувни юқори савияда ташкил этиш мақсадида тиббий кўрик хоналарини замонавий талаблар асосида жиҳозлаш, биноларнинг иссиқлик ва электр энергияси таъминоти масаласини янада яхшилаш чоралари кўрилмоқда.

— Чақирув пунктимиз бутунлай янгича қиёфа касб этди, — дейди Оққўрғон тумани мудофаа ишлари бўлими бошлиғи Олимжон Абдуллаев. — Туман кўчма механизациялашган колоннаси қурувчилари томонидан бу ерда улкан ҳажмдаги қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди. Жумладан, чақирилувчилар учун 50 ўринли маданий-тарбиявий ишлар биноси, чақирилувчиларни социал-демографик аҳволини аниқлаш хонаси, шифокорлар хоналари ҳамда чақирув пунктининг бир неча қўшимча бинолари қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Жорий йилда Оққўрғон туманидан муддатли ҳарбий хизматга чақирилиши режалаштирилган йигитларнинг 700 нафари тест синовларини топширди ва туман мудофаа ишлари бўлими томонидан жисмоний тайёргарлиги синовдан ўтказилди. Мазкур синовларда энг юқори балл тўплаган йигитлар муддатли ҳарбий хизматга йўл олади.

Бугун Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилиш — йигитларимиз учун том маънода шон-шараф ишига айланган. Бунинг учун нафақат жисмонан соғлом, балки юқори интеллектуал салоҳият ва кенг дунёқарашга, юксак маънавий-руҳий тайёргарликка эга бўлиш талаб этилмоқда.

Шу боис муддатли ҳарбий хизматга чақирилувчиларнинг оилавий аҳволи, билим даражаси, жисмоний ва интелектуал салоҳиятини ўрганиш жараёни изчил такомиллаштирилмоқда. Чақирув комиссиялари аъзолари таркибига маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Хотин-қизлар қўмитаси, «Нуроний» ва «Маҳалла» жамғармаларининг вакиллари киритилгани чақирилувчилар учун бўлаётган танлов ва синовлар ошкоралик, холислик тамойиллари асосида ўтишини ва бу борада қатъий жамоатчилик назоратини таъминламоқда.

Муддатли ҳарбий хизматдан қайтаётган йигитларни иш билан таъминлаш масаласи ҳам доимий эътиборда.

Ҳарбий хизматни намунали ўтаб, қисм қўмондонлиги томонидан бериладиган тавсияномага эга йигитларга олий ўқув юртларига ўқишга кириш учун белгиланган тартибда имтиёзлар жорий этилгани ёшларнинг интилувчанлиги ва фаоллигини оширишда муҳим омил бўлаётир. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент вилояти бўлимининг маълумотига кўра, ўтган йиллар мобайнида ана шу имкониятлардан унумли фойдаланган беш юз нафарга яқин ёшлар олий таълим муассасаларида ўқимоқда. Буларнинг барчаси Президентимиз раҳнамолигида миллий армиямизда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар самарасидир.

Л.СУВОНОВ,
ЎзА мухбири

Нарпай туман тиббиёт бирлашмасида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш борасида ибратли ишлар амалга оширилаётир. Ҳозирги пайтда тиббиёт бирлашмаси тасарруфида 2 та 520 ўринли шифохона, 2 та поликлиника, 24 та қишлоқ врачлик пункти, 1 та болалар маслаҳатгоҳи фаолият кўрсатмоқда. Уларда 245 нафар олий тоифали шифокор, 1152 нафар ўрта махсус маълумотга эга тиббиёт ходими хизмат қиляпти.

Аҳоли саломатлиги эътиборда

Маълумки, 2009 йил 13 апрелда Президентимизнинг «Соғлом авлодни шакллантириш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори эълон қилинган эди. Унга мувофиқ, тиббиёт бирлашмасида акушер-гинеколог, болалар ва ички касалликларни даволовчи шифокорлардан иборат гуруҳ тузилиб, ҳар бир қишлоқ врачлик пунктига масъул ходимлар бириктирилган. Бу борада бажарилган ишлар ҳар ҳафтада муҳокама этиб борилади. Ютуқ ва камчиликлар кўрсатиб ўтилиб, тегишли чора-тадбирлар белгиланади.

Тиббиёт ходимлари «Саломатлик куни» дея эътироф этиладиган ҳафтанинг ҳар чоршанбасида маҳаллаларда, коллеж ва мактабларда бўлиб, оналар ва болалар саломатлигига доир фойдали суҳбатлар ўтказишяпти.

Туманда ўткир юқумли касалликларга қарши аҳолини эмлаш ишлари ҳам намунали йўлга қўйилган. Ўтган йили қарийб 50 минг киши ана шундай касалликларга қарши эмланди. Шунингдек, туғиш ёшидаги барча аёллар тиббий кўрикдан ўтказилди. Булар, ўз навбатида, аҳоли саломатлигини, шу жумладан, оналар ва болалар соғлиғини сақлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Кейинги йилларда 100 миллион сўм сарфланиб сўнгги русумдаги УЗИ, рентген ва жарроҳлик жиҳозлари каби тиббий асбоб-ускуналар келтирилиб, бирлашманинг барча даволаш тармоқларида стандарт-ташхис бўйича даволаш йўлга қўйилганлиги эътиборга моликдир. Жорий йилда эса бу ерда тиббиёт бирлашмаси учун лойиҳа баҳоси 6 миллиард 900 миллион сўмлик қўшимча бинолар қурилиши кўзда тутилмоқда.

Р. ХУДОЙҚУЛОВ

Қишлоқда тиббий хизмат



Т.НОРҚУЛОВ олган суратлар



Суратларда: *(юқорида) олий тоифали врач Н.Аллонов, шифокорлар Ғ.Омонов, Н.Расулов ва ҳамшира М.Раҳимовалар.*

Акс садо

Миллий мультфильмлар болалар учун

Газетамизнинг 2012 йил биринчи сонида чоп этилган муаллиф Восит Аҳматхоновнинг «Мультфильмлар кимлар учун?» мақоласи газетхонлар, хусусан, мультфильм ижодкорлари эътиборини тортганидан мамнунмиз. Зотан, ҳақиқат жамоли баҳс ва мунозаралар кўзгусидагина ёрқинроқ намоён бўлади. Қуйида берилаётган акс садо ҳам бу борада амалга оширилаётган ишларни янада жадаллаштиришда, соҳада кечаётган ўзгаришлардан жамоатчиликни бохабар қилишда муҳим аҳамият касб этади, деб ўйлаймиз.

Таҳририят

«Мультфильмлар кимлар учун?» мақоласини ўқиб, унда билдирилган айрим фикрлар юзасидан туғилган бир қатор мулоҳазаларни қоғозга туширишга ҳаракат қилинди. Муаллиф унда бугун чиндан ҳам энг долзарб масалалардан бири ҳақида, яъни мультфильмлар ва уларнинг ёшлар онгига таъсири хусусида куюнчаклик билан ўз фикрларини баён этган.

Дарҳақиқат, мультипликацион фильмлар аксарият ҳолларда ҳажман кичик бўлса-да, ёшлар дунёқарашига жуда катта таъсир кўрсатади. Уларни дадил бўлишга, ҳаётда ўз ўрнини топишга, ҳар қандай чигал масалани ҳам кўнгилни чўктирмай қувноқлик ва ақл билан енгишга ўргатиб боради. Яхшиликнинг ёмонлик, адолатнинг ноҳақлик устидан ғалабаси муқаррар эканини онгига чуқур сингдиради, муайян кўникмалар, одатлар ҳосил қилади, маънавий озиқ беради. Муаллиф ҳақли равишда таъкидлаганидек, айни пайтда нусха кўпайтириб-сотиш шохобчаларида савдога чиқарилаётган, телеканалларда намойиш этилаётган айрим хориж мультфильмлари ур-йиқит, шовқинсурон воқеаларга асосланган бўлиб, болалар тарбияси учун зарарли намунадир.

Аммо бу юртимизда уларнинг ўрнини боса оладиган миллий мультфильмлар яратилмаяпти, дегани эмас. Муаллиф бир ўринда кейинги йигирма йил ичида «бор-йўғи» саксонта мультфильм яратилгани, у йилига тўрттадан тўғри келаётгани ҳамда "Ўзбекфильм"нинг болалар учун ишлаётган студиялари масъулиятни ҳис қилишлари зарурлигига эътиборни қаратади. Ваҳоланки, шу саксондан ортиқ мультфильмнинг ярмидан кўпи кейинги беш йил ичида дунё юзини кўрган.

Ҳозирда болажонлар дунёқарашининг шаклланишида аннимацион кино маҳсулотларининг ўрни беқиёслигини ҳисобга олиб, ўзбек мультфильм усталари миллий мотивлар асосида кўплаб асарлар яратмоқда. Кейинги йилларда шу мақсадда "Ўзбеккино" Миллий агентлиги тасарруфидаги "Ўзбекфильм" қошида махсус бирлашма ташкил этилди. Унда таниқли мультипликаторлар Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Мавзур Маҳмудов, бир неча халқаро фестиваллар совриндори Дмитрий Власов, кўплаб моҳир рассомлар, операторлар ҳамда иқтидорли ёшлар бир мақсад йўлида фаолият олиб бормоқдалар. Мультбирлашманинг ташкил этилиши ижодий кучларни марказлаштириш ва бирлаштириш имконини берди. Натижада, ўзбек халқ эртаклари, мумтоз адабиётимиз вакиллари асарлари асосида мультфильмлар яратиш нисбатан кўпайди. Болажонларга манзур бўлган "Дугоналар", «Спитамен", "Дўстлар", "Оқ бўталоқ", "Чархпалак", "Семурғ — бахт қуши", "Чироқ кўтарган мушук", "Ҳунарманд Шаҳзода", "Мушук ва жин", "Эгривой билан Тўғрибой" ҳамда буюк бобокалонимиз Алишер Навоий асарлари асосида суратга олинган "Фарҳод ва Ширин", "Шер билан дуррож" сингари мультфильмларни ана шулар сирасига киритиш мумкин. Улар бадиий-ғоявий савияси, техник ижроси, аннимациясининг сифати жиҳатидан хорижникидан асло қолишмайди.

Ҳозирда ҳар йили давлат томонидан 10 та мультифильм учун маблағ ажратилаяпти. Ҳар томонлама қулай шароитлардан илҳомланган мульткино ижодкорлари янги-янги мавзулар устида ишлашни давом эттирмоқдалар. Биргина ўтган — 2011 йилнинг ўзида "Ўзбеккино" Миллий агентлиги буюртмасига мувофиқ, кичкинтой киномухлислар онгида миллийлик ва ватанпарварлик туйғуларини сингдиришда муҳим роль ўйнайдиган "Зумрад ва Қиммат", тарихимизда мислсиз жасорат намоён этган халқ қаҳрамони жасоратидан ҳикоя қилувчи "Широқ ҳақида афсона", Навоийнинг "Сабъаи-сайёр" достони мотивлари асосида "Меҳр ва Суҳайл" мультфильмлари яратилди. Шунингдек, дўстлик, ҳамжиҳатликнинг қадрига етишга чақирувчи "Соҳибжамол қўғирчоқ", болажонларга йўл ҳаракати қоидаларини ўргатишни кўзда тутган "Йўл ва болалар", лофчилик санъатига асосланган "Айтсам йшонмайсиз", мардлик, ҳалоллик ва меҳнатсеварлик ғоялари илгари сурилган халқ достони асосидаги "Жўрахон" сингари аннимацион асарларда ҳам ҳаётийлик, қизиқарлилик сингари жиҳатлар асос қилиб олинган. Замонавий мавзудаги юморга бой, ёш ижодкорлар иштирокида яратилган "Чархпалак-2" асарини ҳам ёш томошабинлар қизғин кутиб олишди. Бунда, албатта, "Ўзбекфильм", "Олтин Меъёр" МЧЖ, "Караван синема" МЧЖ, "Футурист" МЧЖ, "VRS" студияси, "Синема сервис" каби киностудиялар, соҳада баракали меҳнат қилаётган Н.Тўлахўжаев, М.Маҳмудов, М.Кудрина, С.Муродхўжаева, К.Рўзметова каби режиссёрлар, Ғ.Эшмуҳаммедов, О.Тўхташ, Ж.Исҳоқов, Э.Ҳасанова каби сценарийнавислар, Фания Мутигуллина, А.Гвардин, Э.Шойимқулов, Б.Исмоилов, А.Сафин каби рассомлар, Ж.Изомов, Ф.Янов — Яновский каби бастакорларнинг хизмати беқиёс.

Албатта, бу билан соҳада камчилик йўқ, деган фикр илгари сурилмаяпти. Профессионал аниматор кадрлар, сценарийнавислар, режиссёрларга эҳтиёж ҳар доим катта бўлиб келган. Негаки, мультфильм яратиш жуда катта босқични ўз ичига оладиган машаққатли жараён ҳисобланади. Режиссёр маҳорати, компьютер графикаси, рассомлик иши, яхши сценарий, ёқимли мусиқа, жозибали овоз... Буларнинг барчаси бирдек ўринга эга ва бирбирига вобаста бўлиши керак. Қолаверса, аннимацияда қушлар ва ҳайвонлар қиёфасини гавдалантириш бир қадар осон кечиши мумкин. Инсоннинг қиёфасини яратиш жуда мураккаб жараён саналади. Ўзбек халқ эртакларининг асосий қисми эса инсоний муносабатларга бағишланган. Бу эса соҳа ижодкорлари зиммасига қўшимча масъулият юклайди. Қолаверса, мультфильм яратадиган студия мутасаддилари фойдани ўйлашмайди ва яратилган мультфильм оммавий равишда ойлаб, кунлаб кинотеатрларда намойиш этилмайди.

Маълумки, болаларнинг хориж мультифильмларини яхши кўришининг асосий сабаби, уларда "экшн", яъни экстремал лавҳаларнинг кўплиги билан изоҳланади. Қувонарлиси, бизда ҳам 3D бичимдаги мультфильмларни яратиш бўйича ишлар изчил давом этирилмоқда. Унинг илк намунаси бўлган «Самовий меҳмон" аллақачон ёшлар томонидан хушнудлик билан кутиб олинди. Ўтган йили "Меҳр ва Суҳайл" мультфильми ҳам ана шундай замонавий ҳажмда тасвирга олингани бизда ҳам тез орада хорижнинг машҳур мультфильмларидан-да савиялироқ, ёшларбоп бадиий асарлар яратилишига умидлантиради.

Муаллифнинг "Мультфильм яратувчилар ҳам кичкинтойлар оламини яхши англайдиган мутахассислар билан ҳамкорликда ишлашлари соҳага сифат ривожини берармиди?!" деган истеҳзоли гапи ажабланарлидир. Сабаби, бу гапдан олдин бирорта ўзбек мультфильми мисол тариқасида келтирилиб, у болаларбоп эмаслиги, ёшлар оламидан анча нарида экани ҳақида фикр айтилмаган. Балки мультфильм ижодкорлари буни ўзлари учун янгилик сифатида қабул қилишади, деган мақсадда шундай дейилган бўлса, унда билмадик... Қолаверса, бу зараркунанда, бу йиртқич ҳайвон, у фақат ёвузлик тимсоли бўлиши керак, бу беозор жонивор, у доимо яхшилик тимсоли бўлади дея, дунёни фақат оқ ва қора рангда кўрсатиш ҳам баҳсли жараён ҳисобланади. Ахир катталарни ҳам ўзининг сеҳрли олами билан мафтун этадиган ранг-баранг эртакларда нималар содир бўлмайди, дейсиз.

Албатта, баҳс бўлгани яхши. Негаки, ҳар қандай буюк кашфиётлар замирида "нега" деган савол ётгани каби, тараққиётнинг пиллапоялари ҳам холис баҳс-мунозаралар заминида барпо этилади.

Хулоса шуки, юртимизда ҳам баҳоликдурат болаларни яхшиликка, эзгуликка ундайдиган уларнинг мурғак қалбида, жажжи шуурида аждодларга буюк ҳурмат, келажакка юксак ишонч руҳини шакллантирадиган мультфильмлар яратилаяпти. Фақат миллий менталитетимиз руҳида суғорилган бундай фильмлар телеканалларимиз орқали янада кўпроқ намойиш этилса, ортиқча мунозараларга, ўринсиз куюнишларга ҳожат қолмасди. Гап ана шунда.

"ЎЗБЕККИНО"
Миллий агентлиги
Матбуот хизмати.

Оила бекатидан репортаж

***

— Менинг исмим — Азиза. 20 ёшдаман. Турмуш қуриш, севиш-севилиш — ҳар бир йигит-қизнинг орзуси. Бу ҳақдаги туйғулар, ҳис-ҳаяжон менга ҳам тинчлик бермайди. Келажакда тақдиримни қандай йигит билан боғлайман? Ўша, "оқ от минган суворий" ким? Дунёқараши қандай? Ахлоқ-одоби-чи? Шу саволларга жавоб топиш ёш жонимни қийнайди. Албатта, менинг назаримдаги йигит, аввало, ақл-ҳушли, ота-онаси, қариндош-уруғлари орасида ҳурмати бор, меҳрибон, оқ-қорани таниб, ўзлигини англаган, сўзида турадиган, ширин суханли, пировардида, менинг ота-онамга ҳам иззатли куёв бўлиши керак! Шундай йигитни учратармиканман?!

Остонамиздан совчиларнинг қадами узилмай қолган. Таваккал қилишга эса қўрқаман. Бир гал яқинларимнинг қистови билан учрашувга ҳам чиқадиган бўлдим. Учрашдик. Бирор тўхтамга кела олмай юрган кунларимдан бирида уни яна тасодифан кўриб қолдим. Маҳалламиз яқинидаги чойхонадан чиқиб, ўртоқлари билан суҳбатлашиб турган экан. У мени пайқамади. Оғзидан боди кириб, шоди чиқар, ёнидагилар билан гап талашар, сал бўлмаса, жанжаллашиб қоладигандек эди. Юрагимга сув сепилгандек, музлаб кетдим....

***

— Ана-мана, дегунча оилалик ҳам бўлдим. Нигора ақл-ҳушли, зийраккина қиз экан. Тўйимизнинг эртаси куниёқ оиламиз аъзосига айланди. Укаларим, айниқса, синглим Гулшоданинг қувончи чексиз. Бир қадам айрилмайди. Уларни четдан томоша қилиб, ўзим ҳам ич-ичимдан қувонаман.

Очиғини айтганда, ўзимдан гумоним бор. Кўнгли соф чиннидай жарангдор шу қизни умримнинг охирига қадар авайлаб-асрай олармиканман? Нуқсоним шуки, жаҳлим тезроқ. Хотиним дилимдагини айтмасимданоқ сезса, дейман. Ишга кетаётганимда, албатта, кийимларим тахт бўлиши керак. Киногами, меҳмонгами — бирор жойга отланадиган бўлсак, у, албатта, мендан аввал тайёр бўлиши шарт. Кутишга тоқатим йўқ. Мен умр йўлдошимни шундай тасаввур қиламан.

Бир-икки марта уни шаҳар томошасига таклиф қилдим. "Рустам ака, ўзингиз айланиб келаверинг, мен ойижонимга кўмаклашай", деб унамади. Мен унинг хонанишин бўлишини хоҳламайман-ку, ахир! Хотин ҳам уйлик, ҳам кўчалик бўлиши керакмасми? Бирга-бирга шаҳар айлансак, кинотеатрларга тушсак, сайр қилсак, бунинг нимаси ёмон? Ё, мен ўта инжиқлик қиляпманми? Ҳар ҳолда, ҳовлимизда елиб-югуриб, ота-онамнинг кўзини қувнатиб юрган Нигорани зимдан кузатиб турибман-у, шулар ҳақида ўйлаяпман. Балки ноҳақдирман-а?!

***

— Янги хонадонга келин бўлиб тушганлар менинг аҳволимни яхши англашса керак. Хуллас, тўйимиз бўлиб ўтганига ҳам ярим йилдан ошди. Турмуш ўртоғим, шу пайтгача бирор ишнинг бошини тутмаган экан. Оилада беш фарзанд. Мен олтинчиси. Ҳаммамиз қайнотамнинг қўлига қараганмиз. Эрталаб-ку майли, бир пиёла чой ичилар-ичилмас, турилади. Аммо кечқурун ўзимни қўярга жой топа олмайман. Дастурхонга қўйилаётган таомларга ноўрин шерик бўлаётгандай ҳис этаман ўзимни. Эримга бирор ишнинг бошини тутсангиз-чи, рўзғорнинг йиртиғига ямоқ бўлайлик, дегим келади-ю, жанжал чиқишидан қўрқаман.

Бир куни қайниларим билан эски товуқ катагини супуриб, тозаладик. Кам-кўстини тўғрилагач, уйимдагилардан 20 та товуқ олиб беришларини илтимос қилдим. Улар туғилган кунимга рангли телевизор совға қилиш учун пул йиғиб юришганди. Ўша пулга укам Анваржон айтганимни муҳайё қилди. Уйдагилар кўнглига олмасин, деб вақтида бор гапни айтдим. Қайнотам ширин жилмайиб қўйди. Мен унинг мамнунлигидан ўзимга қувват олдим. Турмуш ўртоғим бу ҳолни болаларга хос беparволик билан қаршилади. Сал, ялқовроқми-ей...

Ҳангиллаб ётган қарийб ўн сотихли ҳовлининг бир бурчагини мўлжаллаб қўйгандим. У кишини ишга солиб, куз охирида 10 та ҳар хил мевали дарахт эктириб, чорбоғ яратдим. Бир-икки йилда ҳосилга кириб қолади. Қайнотам бу гал "Диломхон, ўзингни қийнаб қўйма, қизим", дедилар. Бошим осмонга етди. Бир куни турмуш ўртоғим бозордан иккита тўқли олиб келди. Қайнотам олиб берибдилар. Қайнонам ҳам бешик тўйи анжомларини тикишни қотирар эканлар. Бир-икки жойда "реклама" қилгандим, харидорлари кўпайиб қолди. Хуллас, ҳали яна мўлжалларим кўп...

***

— Мен "Бўрижар" маҳалласида хотин-қизлар кенгашининг аъзосиман. Исмим — Маъмура, 55 ёшдаман. Оила сир-синоатли бўлади. Ҳар бири мисоли бир қўрғон. Унинг ўз эшиги, эшикбонлари бор. Кирган ҳам, чиққан ҳам ана шу эшикбоннинг қовоғига қарайди. Бу эшикбонлар -- ота-оналаримиздир.

Шундай оилалар борки, уларнинг ҳамма ишлари режали, бирининг оғирлиги иккинчисига тушмайди. Хушмуомалалигини айтмайсизми? Ота-оналардан маслаҳатсиз бирор ишга қўл урилмайди. Бундай ибратли оилаларни кўрганимда дилим яйраб кетади.

Маҳалламизда яна бир оила бор. Қайнота, қайнона, келин бир тараф, ўғилнинг ўзи бир тараф. Улар билан алоҳида-алоҳида суҳбатлашдим. Катталар келинни худди қизидек ҳимоя қилишди. "Ҳамма айб ўғлимда", деди она. Таҳлил қилиб қарасам, оилада жанжал қилишга арзийдиган сабабнинг ўзи йўқ. Куёвбола келинни "гаҳ деса, қўлга қўнадиган" қиламан, деб тергайверар экан.

Келин икки бола билан ош-овқат қилиб, кечқурун уларни кутиб олар, эвазига қайнонасидан олқиш эшитаркан. Ўғил эса: "Келинингизни кўп мақтайверманг, талтайтириб юборасиз", деб онасига қаршилик кўрсатаркан. Шундай кезларда қайнота ҳимояга отланиши табиий ҳол. Яккаланиб қолган ўғил эса жаҳл қилиб кўчага чиқиб кетар, бу ҳол тез-тез такрорланавергач, оила етакчилари хавотирга тушиб, маҳалладан кўмак сўраб чиқишибди.

Ҳаётдан мисоллар келтириб, йигитга ота-онасининг измидан чиқмасликни, оғирроқ бўлишни маслаҳат бердик.

Яқинда уларни шаҳримиздаги Мустақиллик майдонида фарзандлари билан сайр этиб юришганини кўриб қолдим. Бир маҳалладошимнинг оиласи мустаҳкамлигига ҳисса қўшганимдан ўзимда йўқ қувондим.

Ш. ОҚИЛЖОНОВА,
Д.ОРИПОВ,
"Hurriyat" мухбирлари

2012 йил — Мустаҳкам оила йили

Юртбошимиз ташаббуси билан 2012 йилнинг мамлакатимизда "Мустаҳкам оила йили" деб эълон қилиниши Ўзбекистонимизда бахтли оилаларнинг янада кўпайиши, оила институтининг мустаҳкамланиши, халқимиз фаровонлигининг ошишига хизмат қилиши шубҳасиз.

Қаршилик Шаҳзод Бахтиёров ва Фотима Холназарова оиласи ҳам мамлакатимиздаги барча оилалар каби янги 2012 йилни катта қувонч, орзу-умидлар билан кутиб олди. Ш.Бахтиёров — ҳуқуқшунос, Ф.Холназарова шаҳардаги 24-мактабда «Ватан туйғуси» фанидан дарс беради.

Суратда: Ш.Бахтиёров оиласи билан Қарши шаҳридаги «Эл-юрт таянчи» монументи зиёратида.



Ж.НОРҚОБИЛОВ (ЎзА) олган сурат

БЕШИК ТЎЙИ

— Отангга айт, бешик тўйи қилсин!

Қайнонасининг кутилмаган иддаосидан Замира каловланиб қолди.

— Ахир... — деб оғиз жуфтлаганди, қайнонаси бобиллаб берди.

— Мендаям орзу-ҳавас бор. Бугун бор бўлсам, эртага... Салима опадан қаерим кам, удли-шудли тўрт ўғлим бор...

Замира чириллаб йиғлаётган ўғлини бешикдан олаётиб, кўзидан дувиллаб ёш қуюлди. Кечки овқатдан сўнг Собир дастурхонни йиғиштираётган Замирадан сўради:

— Ҳа, бунча қовоқ-тумшуғинг солиқ?

Замира жилмайишга уринди-ю, уддасидан чиқолмади. Аксига олгандек, қошлари чимирилиб кетди. Индамади. Шундан кейин Собир савол назари билан онасига қаради.

— Ўкрайма, — деди унга Ҳалима опа. — Бешик тўйи қиламиз дегандим, ёқмади.

— Бешик тўйи, дейсизми?

— Ҳа, нега анграясан?

— Ахир, онасининг йили ҳам ўтгани йўқ-ку!

— Ишинг бўлмасин, ана Нодир дўкончи онасининг йили тугул, қирқи ўтмасдан ўғлини уйлантирди.

Бу гапдан сўнг Собир шашт билан ўрнидан туриб, ҳовлига чиқди.

— Бу уйда барибир менинг айтганим бўлади, — деб қичқирди Ҳалима опа унинг ортидан.

Эртасига Замира онасиникига борди. Ҳамидулла ака қизининг келганидан кўнгли тоғдек кўтарилди. Куёви, невараси ва қудаларининг сиҳат-саломатлигини суриштирди.

Тушга яқин новвойхонада ишлайдиган синглиси Гулбаҳор келди. Замира илгари билмасмиди ёки разм солмаганми, ҳарқалай, синглисининг бўйи чўзилиб қолибди. Кўзлари қурмагурни қаранг, ҳар қандай йигитнинг ақлини шоширади. Нақ белига тушган икки ўрим сочи гўё илондек тўлғаниб ётибди. Узун, бир-бирига туташган қошлари мисоли бир камондек. Замира синглисига қараганча, чуқур хўрсинди.

— Нима бўлди? — деб сўради Гулбаҳор опасининг шашти пастлигини кўриб. — Поччам хафа қилдиларми?

— Қизиқсан-а.

— Қайнонангизми? — ўсмоқчилаб сўради яна у.

Замира «йўқ» дегандек бош чайқади.

Гулбаҳор нимандидир сезгандек, юраги ғашланди. Опасини зимдан кўздан кечирди. Ҳали ёш бўлса-да, юмшоқ қўллари дағаллашибди, пешонасига ажин тушибди. Устидаги қора духоба кийими ҳам униққан. Нима бўлди, экан? Гулбаҳор анчагача опасидан гап ололмагач, тушлик учун келган отасига опасининг машқи пастлигини айтди.

— Замира, она қизим, нима бўлди?

Отасининг меҳр тўла кўзларига қараб, Замира ёрилди.

— Бешик тўйи дейишяпти.

— Бешик тўй?! — Ҳамидулла ака ўзи айтган сўзни такрорларкан, бўғзига нимадир келиб тақалгандек бўлди. Беихтиёр ўрнидан турди. Хонанинг у бошидан бу бошига бир неча бор бориб қайтди, сўнг жойига ўтирди.

— Оиланг тинч бўлсин, кўнглингга олма қизим. Бешик тўй қиламиз.

— Ойимни йили ўтгани йўқ-ку, — деди Гулбаҳор лабини тишлаб.

— Шунга куяман-да, болам. Ҳай, майли. Опанг тинч бўлса, биз ҳам тинчмиз.

— Уч укамдан қандай орттирасиз, бу ёқда Гулбаҳорни бўйи етиб турган бўлса, — деди Замира.

— Худойим ҳаммани ризқли қилиб яратган. Бир гап бўлар, қизим...

Орадан бир ойча вақт ўтди. Кунларнинг бирида кўчада карнай-сурнай овози эшитилди. Одамга лиқ тўла автобус Замираларнинг уйи олдига келиб тўхтади.

Бешик тўйи бошланди. Ҳовли ёшу қарининг қий-чувига тўлди.

Замира машинадан юкларни тушираётиб, қизил духоба ёстиқларни кўриб қолди. Онаси икки қизига иккитадан ёстиқ олган эди. Ёстиқни ушлаган Замира лаблари пир-пир уча бошлади. Гулбаҳор опасининг тирсагидан ушлади-да:

— Хафа бўлманг, опажон, булар топилади, ишлаяпман-ку, — деди.

Замирага бу сўзлар узоқ-узоқдан эшитилгандек бўлди. Қайнонаси бўлса, ҳеч нарса бўлмагандек, бир уй хотин-халажга гап бермай ўтирарди...

Холхўжа МИРЗАЕВ

ТАҲРИРИЯТДАН: "Оила бекатидан репортаж" — янги рукн. Мухбирларимиз ёш оилалардаги нохушлик келтирувчи айрим қусурларни юқорида келтирилган лавҳалар орқали ифодалашга ҳаракат қилишган. Тажрибали журналист Холхўжа Мирзаевнинг "Бешик тўйи"си эса "урф-одат" деб инсоний меъёрларни бузадиган ҳою ҳавасларнинг оила мустаҳкамлигига раҳна солиши ҳақида. Шунингдек, сурхондарёлик таниқли журналист Жамила Эргашеванинг таҳририятимизга йўллаган оила мустаҳкамлигини таъминлашда ибрат бўларли жиҳатларга бой мақоласини ҳам эътиборингизга ҳавола этаяпмиз.

Ҳурматли газетхонлар, жорий — Мустаҳкам оила йилида ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, улар олдида турган муаммоларни ўрганиш, таҳлил этиш, ҳамжиҳатликда бартараф қилиш мақсадида ўз фикр-мулоҳазаларингизни ўртоқлашиб, рукнимиз меҳмони бўласизлар, деган умиддамиз.

"Беҳиштинг ҳам, дўзахинг ҳам — рўзғоринг"

Ҳар бир буюк инсон ортида буюк аёл туради, деган ҳикмат бор. Бу ҳикматни бироз ўзгартириб ҳар бир бахтиёр ва мустаҳкам оила ортида доно аёл туради, дейиш ҳам мумкин. Йигирма йилдан буён "Жарқўрғон" газетасига етакчилик қилиб келаётган Шароф Муҳаммадиев "Бахтим – тақдир менга ақлли аёлни рўбарў қилгани бўлди", деган гапни кўп такрорлайди. Асли математик бўлгани учунми, ҳаётда ҳам аниқликни, ҳисоб-китобни яхши кўрадиган Ойнахол Хўжамбердиева эса ўзининг, фарзандларининг бахтини бошқа омилда кўради: "Улар оилада эркак кишининг ўрнини, ғамхўрлик кўрсатишни, қаттиққўллик қилишни ҳаётдаги биринчи идеаллари – отасидан ўрганди!".

Бу оиладаги беш фарзанднинг ҳаммаси математика фанини яхши кўрди, молия институтида ўқиди. Магистратурани бири Тошкентда, бири Америкада, яна бири Кореяда... битирди. Келинлар, куёвлар ҳам олий маълумотли, ҳаммаси эл корига яраган, эл назаридаги одамлар.

Хуллас, ҳаётнинг ўзи бир дорилфунун. Унинг талабалари учун яхши бир сабоқ бўларли қуйидаги суҳбатларни сиз, азизларга илиндим.

— "Уйда тинчи бўлсин йигитнинг аввал..." деган сатрни кўп эшитгансиз. Ўша осойишталик, аввало, аёлга боғлиқ. Қарийб 40 йиллик турмушимизда "Фалон байрам ёки тўйга нима кияман?", "Рўзғорга мана бу нарсалар етишмаяпти" деган саволларга сира дуч келмадим. Аёлим оддийгина кийимларни ҳам шукур қилиб, ўзига яраштириб кийди, қаноат билан бор сабзавотлардан жуда ширин таомлар пиширди...

— Онам раҳматлик ҳамиша "Эр — ярим пир", дер эдилар. Бу ақида шу қадар юрак-юрагимга сингиб кетган эдими, ўзим кўнгил қўйиб турмушга чиққан бўлсам ҳам, акангиздан жуда ийманаман. Бир йил бир мактабда ишладик. Кажавали мотоциклимиз бўларди. Уйдан шунга ўтириб, ишга кетардик. Мактабнинг муюлишига етганимизда "Одамлар эри билан етаклашиб юрибди", демасин деб мотоциклдан тушиб қолиб, мактабга пиёда борардим. Турмуш ўртоғимни юз метр нарида, йўл бошида кўриб қолсам ҳам юзим "дув" этиб қизариб, йўлимни янгилаб олардим.

— Лекин жуда қатъиятли, ғайратли аёл, опангиз. Бизнинг рўзғорда ҳеч қачон "бу иш эркакники, бу иш аёлники" деб бўлинган эмас. Мен бир етим йигит... Агар аёлим "уй-жой қуриш эркакнинг иши" деб қўл қовуштириб ўтирганида, эҳтимол, шу кунларга етолмаган бўлармидим. Уй-жойимизни ҳам бирга қурдик, болалар тарбиясини ҳам бир кун бўлса-да, ташлаб қўйганимиз йўқ.

— Турмуш ўртоғим фарзандларимизнинг билимли бўлишини жуда истарди. "Онаси, математикага менинг тишим ўтмайди, сен булар билан дарс қилгин", деб уйнинг ҳамма юмушларини — овқат қилишми, идиш-товоқ ювишми, супир-сидирми, барчасини ўз зиммасига олар эди. Бу ишларни катта бир мамнуният билан қилаётганликларини кўриб, доимо ўзимни жуда бахтиёр ҳис этардим. Ахир, Оллоҳга, Ватанга, халққа муҳаббат айнан мана шундай — аёлига, фарзандларига муҳаббат қўйишдан бошланмайдими?

— Худога шукур, ҳурматли Президентимиз айтганларидек, фарзандларимиз ўзимиз орзу қилгандек, биздан кучли, доно ва албатта бахтли бўлиб, камолга етишди. Катта-катта идораларда масъул лавозимларда ишлашмоқда. Ҳамма нарса етарли. Ҳар бирининг алоҳида уй-жойи, рўзғор анжомлари дегандай... Аммо мен улар атрофида айланиб дарс қилган ўша қадрдон хонтахтани ҳалигача ташлаб юборгим келмайди. Чунки бу хонтахта жондан азиз фарзандларимнинг юксак ирода, беғубор орзу-истакларининг, ёруғ манзилларга етган кунлари кўнгилларини тўлдирган қувончларнинг тилсиз гувоҳидир.

— Ота-она бўлиб болаларимизга ҳадеб "бу мумкин, бу мумкин эмас", дея ақл ўргатиб ўтиришга вақтимиз бўлмаган. Биз уларга фикрлашни, яхшини ёмондан ажратиб, хулоса чиқаришни ўргатдик. Ўз турмуш тарзимиз, ўзаро муносабатимиз, ҳаётга, меҳнатга бўлган рағбатимиз билан шахсий ибрат бўлдик, холос. Уларнинг қизиқишлари, орзу-хаёллари биз учун ҳам қизиқ эди. Ҳозир чекка вилоятнинг бир чекка туманида яшаймиз. Болалар, неваралар Тошкентда, орада қарийб минг чақирим масофа бўлса ҳам уларнинг тарбияси бир кун ҳам эътиборимиздан четда қолмайди. Ҳар оқшом неваралар янги топшириқлар олади, кечаги топшириқларнинг жавобини айтишади. Яхши жавоблар, албатта, рағбатлантирилади.

— Математик бўлганим учунми, жуда тежамкор аёлман. Ҳалол меҳнатим билан топилган ҳар бир сўмни минг бир марта ўйлаб, сўнг харажат қиламан. Аммо бойликни ҳеч қачон инсон қадридан баланд қўймаганман. Мен фарзандларимга ҳеч қачон "Пойтахтнинг бозоридан менга фалон нарса олиб кел", деган гапни айтмаганман. Ўзлари бирон нарса олиб келса ҳам, "мен учун ортиқча харажат қилманглар, ҳамма нарсам етарли", деб тергаб қўяман. Бошқача йўл тутсам, худди улар бойликка ружу қўйиб, дунё тўплаш васвасасига тушиб кетадигандай...

Аксинча, мен уларнинг хизмат вазифаларидан, турмуш ташвишларидан вақт ажратиб, илм билан шуғулланишларини истайман. Ахир, фақат она эмас, устозман. Уларнинг нечоғли иқтидорли эканликларини яхши биламан. Ана шу иқтидорлари билан мустақил юртимиз илму фани ривожига ҳисса қўшишларини истайман. Ҳозирча, Азиза қизимиз илмий изланишда. Худо хоҳласа, ака-сингиллари ҳам унга эргашишларига ишонаман.

— Замонамиз юксак технологиялар, компьютер, интернет даври бўлиб кетди. Бугунги ёшлар дунёни, ҳатто инсониятни, унинг руҳий оламини ҳам компьютер орқали билишга интилмоқда. Бутун-бутун романлар компьютерда ўқилмоқда. Аммо ёстиқнинг остидан китоб олиб ўқишнинг гашти бўлакча. Болаларим кўпроқ китоб ўқишса, замонамизнинг ориф одамлари билан кўпроқ суҳбатлашса, дейман. Кўпинча, уйга қайтишганда онасига алоҳида, менга алоҳида китоблар кўтариб келишганини кўриб, суюниб кетаман, шукур қиламан.

Биласиз, матбуот ходимларининг дўстлари кўп бўлади. Уйга меҳмон чақириб хижолат бўлмаганман. Қизларига, келинларига ҳам шундай таълим берди: "Меҳмон келар эшикдан, ризқи келар тешикдан. Икки коса овқатни деб эркакнинг бошини хам қилманглар", дейди доим.

Қиз улғайтириш, келин сақлаш ҳам кишидан катта ақл-идрок, ирода талаб этади. Қизларимизни тикувчилик, пазандалик курсларида ўқитганимиз йўқ. Бу соҳада нимани ўрганишган бўлса, рўзғор мактабида, оналаридан ўрганишди. Оилада қандай савол туғилса, "Отанглардан сўрайлик-чи?", "Буни отанг ҳал қилади", дейилиб, сўнгги гапни айтиш бизга қолдирилган. Ўз навбатида мен ҳам ҳамиша опангизнинг ҳурматини ўрнига қўйишга ҳаракат қилдим. Шу боисданми, фарзандларимиз оилада эркакнинг ўрнини, аёлнинг ҳурматини билиб улғайдилар. Ўғилларимиз аёлига фарзандларимиз онаси деб ғамхўрлик қилса, қизларимиз оила сарбони дея турмуш ўртоқларининг ҳурматларини ўрнига қўйишади. Қолаверса, оилага, аёлга, онага бу хил эҳтиром халқимизнинг қонида бор.

— "Беҳиштинг ҳам, дўзахинг ҳам — рўзғоринг", деган гап бор. Рўзғорни, оилани беҳиштга айлантириш, энг аввало, одамнинг ўзига боғлиқ. Ҳукумат, Юртбошимиз ёш оилаларни мустаҳкамлаш, она ва болаларнинг соғлиғи, келажагини муҳофаза қилиш йўлида дунёни лол қолдирадиган ишларни амалга оширмоқда. Шундай бир пайтда, шундай бир шароитда арзимас нарсалар учун эр-хотин, келин-қайнона жанжаллашиб, бу билан болаларнинг ҳам дилини хира қилиб, баъзан ҳатто уларга етимлик юкини ортиб, гулдек рўзғорни дўзахга айлантириш шартми, дейман. Ҳар кимга инсоф-тавфиқ берсин. Ахир, биз Ўзбекистонда яшаяпмиз, Ўзбекистон фуқаросимиз, шу номга, шу юртга муносиб бўлмоғимиз керак.

***

Хонадонимдагилар "Уйга қайтмаяпсизми?" деб қўнғироқ қилишганида вақт алламаҳал бўлиб қолган экан. Жиндек хавотир ва хижолат билан беихтиёр қоронғу қиш туни мўралаб турган деразага қарадим. Дераза ойналарига аёз аллақачон нақшинкор суратларини чизиб улгурганди. Ичкари эса хонадон соҳибларининг меҳри каби иссиққина эди.

Жамила ЭРГАШЕВА

Ватанга муҳаббат жасоратга ундайди

(Бошланиши 1-бетда.)

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан Миллий телерадиокомпанияси, Миллий ахборот агентлиги, Матбуот ва ахборот агентлиги, Электрон ОАВ миллий ассоциацияси, Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Мудофаа, Ички ишлар ҳамда Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур танловдан кўзланган асосий мақсад миллий армиямиз салоҳиятини намоён этиш, ёш авлод қалбида ватанпарварлик туйғусини қарор топтириш, «Ватан ҳимояси — муқаддас бурч» деган ғояни тарғиб-ташвиқ этишдан иборатдир.

Танловда юздан ортиқ ОАВ вакиллари босма ОАВ, телевидение, радио ва интернет журналистикаси йўналишларида ўзларининг халқимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш, миллий армиямизнинг салоҳияти ва қудратини кенг тарғиб этиш, ёшларни Ватанга садоқат ва муҳаббат, ҳарбийлик касбига ҳурмат руҳида тарбиялаш йўлидаги ишларни ёритишга бағишланган 1500 дан зиёд ижодий ишлари билан иштирок этишди.

Кеча пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида Ватан ҳимоячилари куни ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 20 йиллиги муносабати билан журналистика соҳасида эълон қилинган танлов ғолиб ва совриндорларини тақдирлашга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Мудофаа, Ички ишлар ҳамда Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, бошқа манфаатдор тузилмалар вакиллари, республика оммавий ахборот воситалари раҳбарлари ва ҳарбий ватанпарварлик соҳасига ихтисослашган фаол журналистлар иштирок этди.

— Танловга тақдим этилган ишларда Қуролли Кучларимиз салоҳиятини мустаҳкамлаш, армиямизни модернизация ва ислоҳ қилиш, унинг жанговар тайёргарлигини кучайтириш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига моддий ҳамда ижтимоий-маиший шароитлар яратиш, офицер ва сержант кадрларни тайёрлаш борасида амалга оширилаётган улкан ишлар, сарҳадларимиз дахлсизлигини, эл-юрт осойишталигини таъминлаш йўлида фидойилик кўрсатаётган ҳарбийлар фаолияти кенг ва таҳлилий ёритилган, — дейди танловнинг ташкилий қўмитаси раиси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш.Ғуломов. — Бу мамлакатимизда ҳарбий ватанпарварлик мавзусида қалам тебратувчи журналистлар сафи кенгайиб, бу борадаги публицистик-таҳлилий материалларнинг сони ва савияси ошиб бораётганини яна бир бор намойиш этди. Ижодий ишлар Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист М. Ҳазратқулов бошчилигида мамлакатимизнинг тажрибали журналистларидан шакллантирилган ҳайъат аъзолари томонидан холисона баҳоланди.

Шундан сўнг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси А.Жўрабоев, Ички ишлар вазирининг ўринбосари А.Мирзаев, Фавқулодда вазиятлар вазирининг ўринбосари Ҳ.Абдулазизов, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси раиси Ф.Абдухолиқов, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди раиси А.Абдуллаев ва бошқалар танловнинг ҳар тўрттала йўналиши бўйича ғолиб ва совриндорларга қимматбаҳо совғалар ва дипломларни топширдилар. Биринчи ўрин соҳиблари ноутбук, иккинчи ўринни қўлга киритганлар компьютер жамланмаси, учинчи ўринга сазовор бўлганлар замонавий рақамли телевизорлар билан тақдирланди.

— 2012 йилни ўзгача шукуҳда қарши олдик, — дейди танловнинг матбуот йўналиши бўйича биринчи ўрин соҳиби, «Ватанпарвар» газетаси бош муҳаррири Алижон Сафаров. — Бу йил миллий армиямиз ташкил топганининг шонли 20 йиллигини нишонлаяпмиз. Мана шундай қутлуғ сана арафасида ҳарбий ватанпарварлик мавзусида эълон қилинган танловнинг матбуот йўналишида ғолибликни қўлга киритганимиз бизни янада руҳлантириб юборди.

Мен бу мавзуда қалам тебратаётган ижод аҳлини жанговар сўз айтишга чоғланган инсонлар деб биламан. Ўз-ўзидан аёнки, бу масъулият биз журналистларга янада залворлироқ куч-қудрат, туганмас илҳом бахш этади.

— Ҳаяжонимнинг чеки йўқ, — дейди танловнинг телевидение йўналиши бўйича учинчи ўрин соҳибаси, Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг "Спорт" телерадиоканали муҳаррири Дилноз Муртазоева. — Очиғи, совриндорлар сафида эътироф этилишимни кутмагандим. Бунинг учун танлов ташкилотчиларига ўзим ва аҳил жамоамиз номидан миннатдорлик изҳор қиламан. Бундан кейин ҳам азиз Ватанимиз олдида муқаддас бурчини ўтаётган ҳарбий хизматчилар, осойишталигимиз посбонлари ҳаёти ва фаолиятини тўлақонли ёритиб боришга астойдил ҳаракат қиламан. Келажакда ҳарбийликдек интизомли ва шарафли касбни ҳаётининг мазмуни деб билган аёлларимизнинг ўй-кечинмалари, қизиқишлари, давр ва жамият ҳақидаги мулоҳазаларини ёритиб бориш ниятидаман.

— Эшиттиришимизда асосан мамлакатимиз Қуролли Кучларида олиб борилаётган ислоҳотлар, Мудофаа тизимидаги ўзгариш ва жараёнлар, Ватанимизнинг мард ва жасур ҳимоячилари учун яратилаётган шарт-шароитлар, уларнинг оила аъзоларига кўрсатилаётган эътибор ўз ифодасини топади, — дейди танловнинг радио йўналиши бўйича биринчи ўрин соҳибаси, "Ўзбекистон" телерадиоканалининг Ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий эшиттиришлар бош муҳарририяти муҳаррири Гулмира Ражабова – Энг асосийси, 20 дақиқалик эшиттириш жараёнида соҳа фидойиларининг ҳаёти ва фаолиятини кенг ёритишга ҳаракат қиламиз. Бу тингловчиларга уларнинг шарафли ва машаққатли касбини идрок этишга, англашга кўмак беради. Бугунги рағбат ва эътироф нафақат меники, балки бутун жамоамизникидир. Сабаби ҳаво мавжларига тарқалаётган ҳар бир эшиттириш бир неча кишининг машаққатли меҳнати маҳсулидир.

— Юртимизнинг мард ва жасур ўғлонлари кечани кеча, кундузни кундуз демай Ватанимиз сарҳадларини қўриқлашаётгани сабабли кўнглимиз хотиржам, осмонимиз мусаффо, — дейди танловнинг рағбатлантирувчи мукофот соҳиби "Еркин Қарақалпақстан" газетасининг махсус мухбири Қиличбой Ажибаев – Ҳарбийларимиз ҳаётига ҳавас қилиб, уларга ёрдам бергим, мадҳ этгим келарди. Шу ниятда қўлимга қалам олиб кўнглимдаги сўзларни қоғозга битдим. Бугун камтарона меҳнатларим эътиборга олиниб, танловнинг совриндорлари қаторида кўрилишим мен учун ҳаётимдаги энг катта ютуқлардан бири бўлди. Келгусида ҳарбий хизматчиларимизнинг шарафли хизматлари, миллий армиямизнинг шон-шуҳрати ҳақида бундан ҳам салмоқлироқ мақолалар ёзиб, доврўғларини янада таратишга ҳаракат қиламан.

Шу куни Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа, Ички ишлар ҳамда Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ҳам танловда фаол қатнашган иштирокчиларга ўзларининг рағбатлантирувчи совғаларини тақдим этишди.

Республика Қуролли Кучлари Марказий ашула ва рақс ансамбли ва «Ўзбегим ёшлари» ансамбли ижросидаги тинчлик ва фаровонликни тараннум этувчи куй-қўшиқлар маросимга янада файз бағишлади.

Иномжон АБДИЕВ,
«Hurriyat» мухбири

Суратда: *танлов ғолиб ва совриндорлари.*

Отабек МИРСОАТОВ
(ЎзА) олган сурат.

Сана

Мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотларни, 2010 йил ноябрь ойида Республикамиз Олий Мажлиси – Парламенти томонидан қабул қилинган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мазмун-моҳиятини тарғиб этишда оммавий ахборот воситаларининг вазифалари, уларнинг эркин фаолият кўрсатишлари учун шарт-шароитлар яратиш каби муҳим омилларга катта эътибор қаратилган. Ана шу эзгу мақсадларни ўзининг дастурилмали деб билган Самарқанд вилояти нашри – «Зарафшон» газетасининг ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий ҳаётида яқинда муҳим воқеа юз берди – газетанинг 22 мингинчи сони муштарийларга ҳавола этилди.

22 мингинчи довон ошиб

Zarafshon
22 мингинчи учрашув
«Зарафшон» - сизнинг газетангиз
Самарқанд байрам оғушида
Монополист корхоналар камайса, рақобат кучайса иқтисодда ривожланиш бўлади

Юртимизнинг кейинги бир асрлик кечмиши «Зарафшон» газетаси тарихи, ривожи билан ҳам боғлиқ. Газета ўз фаолияти давомида ўта мураккаб йўлни босиб ўтди.

Ўзбек матбуотчилиги ва маданияти ривожига муносиб ҳисса қўшган газетанинг илк сони Самарқанд жадидларининг тўнғич нашри сифатида 1913 йил 15 апрелда Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг масъул муҳаррирлигида чоп этила бошланган. «Самарқанд» номи билан ҳафтада икки қатла, икки саҳифа тарзида нашр этилган газетанинг шаклланишида Саидризо Ализода, Ҳожи Муин, Фитрат, Рожий, Сиддиқий-Ажзий, Нурмуҳаммад Бек ўғли, Камий каби маърифатпарвар инсонлар фаол қатнашган.

Бугунги «Зарафшон» газетасининг тамал тоши шу тарзда қўйилган эди. Яъни, шўро ҳукумати даври тарихчилари томонидан қайд этилганидек, газетанинг илк сони «1917 йил апрель»да эмас, балки «1913 йил апрель» ойида нашр этилган. Бу санани ўша даврда Туркистон, хусусан, Самарқандда вақтли матбуотнинг пайдо бўлиши, деб ҳам талқин этиш асослидир.

1917 йил 16 апрель (1 май)дан нашр этила бошланган «Ҳуррият» нашри «Самарқанд» газетасининг бевосита давоми ва меросхўри ҳамдир. 1918 йил 11 июндан эътиборан «Ҳуррият» газетаси «Камбағаллар товуши», орадан икки йил ўтиб, 14 октябрда «Меҳнаткашлар товуши» номлари билан чоп этилган. 1922 йилнинг май ойига келиб эса газета «Зарафшон» номини олди. Унинг ташкилотчиларидан бири бўлган Ғози Юнус Тошкентдан ҳатто бир неча пуд ҳарф, 15 пуд қоғоз ҳамда икки нафар терувчи олиб келганлиги манбаларда қайд этилган. 1924 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб мазкур нашрга Мўмин Хўжа, 1928 йилдан Анқабой муҳаррирлик қила бошлайди. Шу йилнинг ноябрида «Қизил Ўзбекистон» газетаси таҳририяти Самарқандга кўчирилгач, турли сабабларга кўра «Зарафшон» газетасини нашр этиш тўхтаб қолади. 1930 йил ноябрь ойидан бошлаб газета яна ўз мухлислари қўлига етиб бора бошлайди. Шу тарзда у 1931 йилдан кундалик нашрга айланади.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, газета таҳририяти том маънода маърифатпарварлик ўзанига қайтди. Руҳан Истиқлолимиз тарғиботчисига айланди.

Тарих саҳифаларида ўзига хос из қолдирган «Зарафшон» газетаси бугунги кунда давр руҳига ҳамоҳанг, Ватанимизда матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига берилаётган эъзозу эътибордан баҳраманд бўлиб, фаолият кўрсатмоқда.

Таҳририят жамоаси Олий Мажлис Сенати аъзоси Фармон Тошев етакчилигида газетанинг омма билан ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш, унинг мазмун-моҳиятини, шакл-шамойилини замон талабларига мос нашрлардан бирига айлантириш йўлида фаоллик кўрсатмоқда. Бу ерда журналист кадрлар маҳоратини ошириш, ёш қаламкашларни топиб тарбиялашда ўзига хос мактаб яратилган.

Эндигина бошланган 2012 йил арафасида йигирма икки мингинчи довондан оша муштарийлари қалбига нур олиб кираётган «Зарафшон» газетасининг манзили узоқ, иқболи порлоқ. Бинобарин, эзгу ниятлар билан нашр этишга асос солган аждод қалам соҳиблари орзу қилганларидек, газетамизнинг мамлакатимиз мустақиллигининг илғор тарғиботчиси бўлиб қолишига тилакдошмиз.

Адҳам ҲАЙИТОВ,
«Зарафшон» газетаси масъул котиби

Тилимиз — дилимиз

Ҳар шевада минг жило

Тилнинг ривожланиши жамият тараққиёти билан бевосита боғлиқ. Даврлар ўтиши билан у бойиб боради. Айни пайтда дунёдаги халқлар 2976 тилда гаплашадилар. Шундан 200 хилининг ҳар бирида 1 миллиондан ортиқ, 70 тилнинг ҳар бирида 5 миллиондан зиёд, фақат 13 тилнинг ҳар бирида эса 60 миллионга яқин киши сўзлашар экан.

Ривоят қилишларича, инсонга турли тиллар қайд этилган бир халта қоғоз берилган ва у ҳар бири битта ўлкага берилиши керак экан. Инсон тоғлар, дарёлар оша қоғозларни тақсимлай бошлабди. Чарчаб-ҳоригач, охирги қопдаги 10 та қоғозни бир ўлкага ташлабди. Шу боис ўша ўлкада яшайдиган қавмларнинг ҳар бири ҳар хил тилда гаплашадиган бўлиб қолишибди. Доғистонда 1 миллиондан ортиқ аҳоли бўлиб, улар 40 га яқин тилда сўзлашишлари ривоят тўғрилигидан далолат беради.

Дунёдаги тиллар ўзининг келиб чиқиши, луғавий ва грамматик яқинлиги бўйича бир неча тил оилаларига бўлинади. Шунга кўра, ер юзида 20 га яқин тил оиласи бор. Ўз навбатида тил оилалари туркумларга бўлинади. Масалан, 24 хил туркий тил мавжуд. Ўзбек тили эса туркий тилларнинг олтой оиласи туркумига киради.

Ўзбек тили расмийлик доим таъсир этиб турадиган адабий ва адабий бўлмаган қатлам — шева, оддий нутқ, вульгаризм, жаргонлар ва бошқалардан иборат. Маълумки, муайян жойда истиқомат қиладиган одамларнинг ўзаро алоқада бўлишлари шева ҳисобланади. Бир-бирига яқин шевалар йиғиндиси эса лаҳжа дейилади. Ўзбек тили таркибида учта лаҳжа бор. Шуларнинг бири Ўғуз лаҳжаси (шимолий, ғарбий, жанубий Хоразмнинг бир неча шевалар гуруҳи. Ўғуз лаҳжасининг Хоразм шевасида унлилар қисқа ва чўзиқ айтилади. Адабий тилда: "Эртага холам бизникига келади", дейилса, шевада "Эртанг холам бизлара галажак", дейилади. "Бўзчининг мокисидек" деган ибора "Надайан тез-тез қатнивардинг", деб ҳам айтилади. "Бир ёқадан бош чиқариб" деган ибора Хива шевасида "Оғзи бир бўлиб", яъни «аҳилликда, ҳамжиҳатликда иш кўриш» деган маънода ишлатилади. "Айтилган жойдан қолма" деган ибора Хива шевасида «Чақирилган ера хон борибди» дейилади. Бизнинг Хоразм вилоятида 10 та туман, битта шаҳар бўлиб, уларнинг ҳар қайсисининг ўзига хос шеваси бор. Масалан, Хива, Қўшкўпир туманлари, Урганч шаҳрининг шеваси бир хил, жуда ўхшаш бўлгани ҳолда Гурлан, Янгибозор туманларининг шевасидан жуда фарқ қилади. Шунингдек, Хонқа билан Янгиариқ шеваси бир-бирига яқин бўлса, Ҳазорасп, Боғот туманларининг шеваси ўзаро ўхшаш.

Кўриниб турибдики, ўзбек тили бениҳоя чиройли ва оҳангдор. У ўхшатиш, ибора, қочирим ва маънодош сўзларга ниҳоятда бой. Тилимизнинг нечоғли гўзаллигини билиш, бошқаларга ҳам кўрсатиб бериш учун уни янада чуқурроқ ўрганишимиз лозим.

Феруза САПАРОВА
Гурлан тумани

Дараклар

ГРЕЦИЯ ЕВРОҲУДУДНИ ТАРК ЭТАДИМИ?



Греция ЕИ кўмагисиз евроҳудудни тарк этадиганга ўхшайди. Ҳозирда мамлакат ЕИ ва Халқаро валюта фонди ҳисобидан 360 миллиард евро кредит олган. Ўтган йилнинг октябрь ойида Грецияга ажратилган кредит етарли эмаслиги маълум бўлгач, яна 130 миллиард евро ажратилганди.

Чехия Марказий банки бошқарувчиси Мирослав Зингернинг таъкидлашича, Грецияга катта миқдорда кредит берилган бўлса-да, режалаштирилган ишлар олдинга силжимаяпти, балки аксинча, бой греклар учун мамлакат пулларини ташқарига олиб чиқишга имкон туғилмоқда. Шу сабаб Европа Грецияга қарз беришни истамаяпти. Зингер шунингдек, Халқаро валюта фондининг Европа мамлакатларига ёрдам тариқасида тузилган дастурини ҳам танқид қилди. Унинг сўзларига қараганда, Греция икки, Португалия ва Ирландия бир мартадан қарз олган. Шунга қарамай, ёрдам дастури фақатгина Ирландиядагина ўз самарасини бермоқда.

РОБОТ ЖАРРОҲЛИК ҚИЛДИ

«Medical Express» нашрининг ёзишича, АҚШнинг Калифорния университети Тиббиёт маркази шифокорлари жарроҳлик технологияси ёрдамида илк бор киндик орқали ўт қопини олиб ташлашди.

Жарроҳлик бўлими раҳбари Сантьяго Хорганнинг сўзларига қараганда, 1 соат давом этган жарроҳлик амалиёти кичик бир ёриқ орқали тананинг тор қисмида амалга оширилган. Операциядан сўнг 5 соат вақт ўтгач, бемор деярли ҳеч қандай оғриқ сезмаётганини айтиб, мустақил равишда шифохонани тарк этган.

Ҳозирда юксак баҳоланаётган янги технология жарроҳларга тананинг 2,5 сантиметр узунликдаги кесилишлар сонини 6 тадан 1 тагача камайтириш имконини беради. Да Винчи номини олган ушбу робот-жарроҳ ёрдамида операциядан кейин беморнинг касалхонадаги даврини қисқартириш ва танадаги чандиқларни янада ихчам битишини таъминлаш мумкин.

Тиббиёт маркази шифокорлари шу кунгача Да Винчи технологиясини ўт қопчаси, ошқозон ва буйрак саратони, юрак хасталиклари, қизилўнгач миотомияси, бачадонни олиб ташлаш ҳамда тос остидаги мускулларни даволашда синаб кўришди.

20 СОАТЛИК ОПЕРАЦИЯ

Бельгия тарихида илк бор юз терисини алмаштириш бўйича амалга оширилган жарроҳлик амалиёти муваффақиятли якунланди. Уни Гент университети мутахассислари бажаришди.

Трансплантолог-жарроҳлар гуруҳи раҳбари, профессор Филипп Блондэлнинг айтишича, жарроҳлик жараёни кўнгилдагидек кечган. «6 кун ўтгач, бемор гапира бошлагани, мустақил сув ича олгани бизни ажаблантирди, — дейди у. — Биз буни кутмагандик».

Ҳозирча мижоз ва унга янги чеҳра берган донор оиласи сир тутилмоқда. Маълум бўлишича, шифохонага олиб келинган мижоз юзининг марказий қисми — лаб, юз мускуллари ва нерв тўқималари, шунингдек, кўз косасидан бўйингача бўлган суяклари йўқ эди».

20 соатгача чўзилган операция дунё бўйича энг узоқ вақт давом этган 19 та жарроҳлик амалиётидан бири бўлиб чиқди. Бу каби мураккаб ва нозик турдаги жарроҳлик илгари фақатгина Франция, Испания, Хитой ва АҚШда амалга оширилган.

ЭГАСИЗ 20 КИЛОГРАММ ОЛТИН

Франция полицияси Париж шаҳридаги электропоездлардан бирида топиб олинган жомадон эгасини қидирмоқда. Гап шундаки, поезд вагонларини кўздан кечираётган полиция ходими ғишт шаклидаги 20 килограмм олтин қуймалари жойлаштирилган жомадонга дуч келган.

Экспертлар олтинларни чиндан ҳам ҳақиқий эканлигини тасдиқлашди. Топилманинг баҳоси эса 800 минг евро. Бироқ шундай қимматбаҳо юкни қолдириб кетган йўловчининг ким эканлиги номаълумлигича қолмоқда. Тахминларга қараганда, олтинлар ноқонуний йўл билан олиб кетилаётган бўлиши керак, акс ҳолда жомадон эгаси уни полиция текшируви чоғида қолдириб кетмаган бўларди.

Агарда топилма эгаси аниқланмаса, олтинлар давлат хазинасига ўтади. Шунингдек, унинг катта қисми транспорт идорасига, маълум бир қисми эса ноодатий юкни топиб олган полициячига тегади.

ЙИРИК АВТОҲАЛОКАТ ЮЗ БЕРДИ

АҚШнинг Техас штатида йирик автоҳалокат юз берди. «Houston Chronicle» агентлиги тарқатган маълумотларга қараганда, Порт-Артур шаҳри яқинидаги шосседа 79 та машина тўқнашиб кетган. Натижада 54 киши жароҳатланган, улардан уч нафарининг аҳволи оғир. Жабрланганлар воқеа жойидан тезда энг яқин шифохоналарга ётқизилдилар.

Дастлабки маълумотларга кўра, қуюқ туман туфайли автомашиналар бошқаруви издан чиққан. CNN агентлигининг таъкидлашича, йўл ҳалокатига ўрмон ёнғинлари туфайли авж олган тутун ҳам сабаб бўлган. Шунингдек, кўплаб ҳайдовчилар йўл ёқасига огоҳлантирувчи белгилар ўрнатилганига қарамай, тезлик меъёрларига риоя қилишмаган.

13 МИНГ ПОЛИЦИЯЧИ ҚИДИРМОҚДА

«China Daily» нашрининг ёзишича, Нанкине шаҳридаги Марказий банкдан 31,7 минг АҚШ доллари ўғирлаб кетилган. Хитой полицияси жиноятчини топиш учун 13 минг нафар ходимини жалб қилган.

«Global Times» агентлиги тарқатган маълумотларда айтилишича, қуролланган ўғриликда 42 ёшли Цзэн Кайгуй гумон қилинмоқда. Бундан ташқари, собиқ ҳарбий сўнгги 8 йил мобайнида ҳудди шу кўринишдаги 6 та жиноятда айбдор, деб топилган. Унга нисбатан қидирув эълон қилинган. 7 киши ҳаётига зомин бўлган жиноятчи шу кунгача 44,3 минг доллар пул ўғирлаган. Полиция жиноятчини ошкор этувчи маълумот эвазига 16 минг доллар мукофот эълон қилди.

«ФОБОС-ГРУНТ» ҚАЕРГА ҚУЛАЙДИ?



Россиянинг «Фобос-Грунт» сайёралараро станцияси 15 январь куни Ерга қулаши кутилмоқда. Бу ҳақда ҳаво космос мудофаа қўшини хабар берди.

Космик кема ўтган йилнинг ноябрь ойида Бойқўнғирдан фазога учирилганди. У Марснинг йўлдошидан тупроқ намунасини олиб қайтиши керак эди. Бироқ «Фобус»нинг двигатель тизими ишдан чиққанлиги сабабли у белгиланган жойга етиб бормаган. Айни пайтда оғирлиги қарийб 14 тоннани ташкил этувчи космик лаборатория бошқарувни йўқотган ҳолда Ерга яқинлашиб келмоқда.

АҚШ стратегик қўмондонлигининг тахминий хулосаларига кўра, «Фобос» Афғонистоннинг шимоли-шарқий қисмига келиб тушади.

Маълум бўлишича, ташқи омиллар таъсири остида космик кеманинг қулаш жойи ва вақти ўзгариши мумкин. АҚШ, Хитой, Ҳиндистон, Африка, Австралия, Бразилия, Япония, Европанинг жанубий қисмлари ва Украина ҳудуди ҳам бундан мустасно эмас.

ВИРУС ТАШУВЧИ ЧИВИНЛАР

Шу кунларда «Муррей водийси энцефалити» номини олган инфекция Австралия аҳолисига хавф солмоқда. Унинг ўчоғи мамлакатнинг Виктория ва Жанубий Уэльс штатларида экани аниқланган.

«Муррей водийси энцефалити» билан оммавий касалланиш ҳолати сўнгги марта 1970 йилда кузатилганди. Ўшанда 80 га яқин киши касалликка чалинганди. Ўтган йили эса бу вирус сабабли икки австралиялик-нинг саломатлиги ёмонлашган.

Ҳар қандай ҳолатда чивин чақиши орқали юқадиган бу касаллик айрим кишиларда енгил кечади, баъзиларда эса узоқ неврологик муаммоларни келтириб чиқариб, кишининг ўлимига ҳам сабаб бўлади. Иситманинг кескин кўтарилиши, кучли бош оғриғи, кўнгил айниши, ҳушдан кетиш ва алаҳсираш касаллик аломатларидир. Ҳукумат вирус аниқланган икки штат фуқароларига соғлиғига нисбатан ўта эҳтиёткор бўлишларини, касалликнинг илк аломати сезилган тақдирда шифокорга мурожаат этиш зарурлигини маслаҳат беришмоқда.

Отабек ОТАЁРОВ тайёрлади.

Мулоҳаза

"Сунъий ақл" ва руҳият

Одатда, ақлли кишиларга нисбатан "калласи компьютер" деган иборани ишлатамиз. Айниқса, "аъло" баҳоларга ўқийдиган ўқувчи, талабалар тенгқурлари ўртасида шундай ном қозонади. Биз таълим олган даргоҳда курсдошимиз Алишерга нисбатан шу ибора қўлланиларди. Унинг бир неча тилларни билиши, фанларни яхши ўзлаштириши барчанинг ҳавасини келтирарди.

Эсимда, қишнинг аёзли кунларининг бирида Алишер дарсга келмади. Йўқлама вақтида домланинг ким йўқ, деган саволига навбатчи талаба "калласи компьютер" келмади, деб бехосдан айтиб юборган сўзини эшитиб устоз: "Яратган билан бандасининг ижодини тенглаштирманг", деган эди.

Ўша пайт домламнинг гапларига унчалик эътибор қилмаган эканман. Аммо йиллар ўтиб унинг мазмунини англаб етаётгандекман. Гап шундаки, бугунги кунда ахборот технологиялари асрида яшаб, унинг имкониятларидан фойдаланмаётган кишини учратиш душвор. Дунёнинг у ёки бу бурчагида содир бўлаётган воқеаларни қийинчиликсиз бизга етказиб бераётган, космосга, денгиз тубига сайр қилиб, ҳайвонот ва наботот оламини томоша қилиш имконини бераётган компьютер техникаси қанчалик ривожланмасин, барибир, бирламчи манба — электр энергиясисиз ишлай олмайди. Шундай экан, инсонни унинг ўзи яратган компьютер техникаси — "сунъий ақл" билан таққослаш мумкинми?..

Инсон азалдан маълум бир вазифаларни мустақил бажара оладиган техникалар ихтиро қилишга қизиқиб келган. Маълум бўлишича, Аббосийлар даврида ясалган ва гидравлика тамойилига асосланган турли хил автоматик лойиҳалар, Салжуқийлар даврида Абул Из ясаган автоматик машиналар сунъий ақлнинг илк намуналари ҳисобланади. Соҳа ривожи кейинчалик Андалусия ва Яқин Шарқ орқали Европага кўчган. XVII асрда немис олими У.Шикард, кейинроқ эса француз математиги Б.Паскаль томонидан илк калькуляторлар яратилган. XIX асрда Чарлз Бебиж яратган "чиқариш техникаси" ва "аналитик техника" компьютери "сунъий ақл" тарихидаги муҳим ихтиролардир.

"Сунъий ақл"нинг фан сифатида ривожланиши ўтган асрнинг 40-йилларидан кейин бошланди. Бу даврда, аниқроғи, 1940 йил охирида инглиз физиги ва математиги Алан Тюринг электрон компьютерларнинг асоси бўлмиш ҳисоблаш назариясини яратди. У 1950 йилда ёзган мақоласида инсоннинг фикрлашини моделлаштиришга ҳаракат қилган ва ҳозирги кунда ҳам "тюринг тести" деган атама мавжуд. 1956 йили америкалик олим Ҳ.Симон бу турдаги тадқиқотларга "сунъий ақл" (artificial intelligence) номини бериш таклифи билан чиққанда унга ғарбдаги баъзи илоҳиётчилар ва файласуфлар қарши чиқишган. Аммо "сунъий ақл" технологияларидан кундалик ҳаётда қандай қилиб унумли фойдаланиш мумкин?" деган савол ҳозиргача ўз долзарблигини йўқотгани йўқ.

Кейинги йилларда компьютер технологиялари соҳасида катта ютуқлар қўлга киритилди. Бу ютуқлардан, айниқса, тезкор ва тўғри қарор қилиниши керак бўлган ҳарбий лойиҳаларда унумли фойдаланилмоқда. Шунингдек, ҳозирги кунда компьютер иқтисодий режалар, ривожланиш лойиҳаларини ишлаб чиқишда, таълим тизимида зарур маълумотларни тез ва қулай ўзлаштиришда инсонга ёрдамчи бўлиб қолди.

"Сунъий ақл" изланишларида энг муваффақиятли соҳа — шатранж. Ҳозирда мутахассис савиясида шатранж ўйнайдиган техникалар мавжуд. Улар ўйин давомида юз минглаб юришларни тезлик билан амалга ошира олади. Лекин, шунга қарамай, "сунъий ақл" тизимлари ҳикояларни тушуниш ёки тушунтиришдек инсон ақлининг энг оддий функцияларини амалга ошириш борасида ожиз. Негаки, инсоннинг моддий мезонлар билан бошқариб бўлмайдиган руҳий ҳолати, маънавий туримлари, ирода ва шуури моҳиятини компьютер "салоҳияти" билан асло тенглаштириб бўлмайди. Инсон ва техника бир-биридан фарқ қилади. Инсон қарор қабул қилишда иродаси ва ҳиссиётларидан фойдаланади. "Сунъий ақл"га асосланган техникалар эса уни ишлаб чиқарган инсонларнинг билим савияси даражасида ишлайди. Яъни, компьютер дастурларининг қарор қабул қилиши дастурловчи томонидан қўйилган алгоритмлар чегарасида амалга ошади.

Хуллас, компьютер технологиялари қанчалик ривожланмасин, ҳатто эндигина атак-чечак қилиб сўзларни тушунса-тушунмаса бир-бирига боғлаб гапираётган болачалик тафаккурга эга эмас. Зеро, ҳеч қачон яратилган нарса яратган зотдан асло ўзиб кета олмайди. Инсоннинг буюк тимсоллиги ҳам шундандир.

Толибжон НИЗОМОВ,
журналист

Хориж матбуоти саҳифаларида

"The New York Times" газетаси, АҚШ

ОҚИБАТИ ЎЛИМ

The New York Times
Weekend FINE ARTS LEISURE FAMILY FARE
The Other Sides Of Seuss

Газетанинг навбатдаги сонида шовшувли мақола чоп этилган. Унда ёзилишича, голландиялик олимлар парранда гриппини қўзғатувчи вируслар устида тажриба ўтказаётиб инсон ҳаёти учун хавфли бўлган вирусни яратганлар. Тадқиқотни АҚШ Соғлиқни сақлаш миллий институти молиялаштирган. Мақола муаллифларининг фикрича, бу тадқиқот мутлақо кераксиз. Чунки "у инсоният учун ҳалокатли, вирусни ўрганишдан келадиган потенциал фойда эса ҳаминқадардир".

Эразма Тиббиёт маркази (Роттердам) олимлари янги A(H5N1) вирусининг тез ёйилиши ва қанчалик хавфли эканини сассиққўзанлар мисолида ўрганиб чиқдилар. Тажрибадан маълум бўлишича, даҳшатли вирус ҳаво томчилари орқали юқиш хусусиятига эга экан. Энг ёмони, ҳар бир жонли организмга вируснинг юқишининг оқибати ўлим билан якун топади.

"Foreign Policy" газетаси, АҚШ

ЯНА ЙИЛ БАШОРАТЛАРИ

THE REAGAN ADMINISTRATION'S
FOREIGN POLICY
FACTS AND JUDGMENT OF THE INTERNATIONAL TRIBUNAL

Газета ҳафтанинг душанба куни сонида 2012 йилда юз бериши кутилаётган таҳликали воқеа-ҳодисалар рўйхати баён этилган мақола чоп этди.

Унда жаҳон бозоридаги иқтисодий таназзул, геосиёсат — миллий хавфсизлик масалалари кўтарилган.

Айтайлик, 2008 йилги молиявий инқироздан кейинги вазият, Усама бен Ладеннинг йўқ қилиниши ва Америка ҳарбийларининг Ироқ ҳудудидан олиб чиқиб кетилишининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий оқибатлари, еврохудуддаги молиявий таназзул, Хитойнинг жаҳон иқтисодиётига ўтказаётган таъсири борасида фикр-мулоҳазалар билдирилган.

Шунингдек, газета таҳликалари рўйхатидан Шимолий Африка ва Яқин Шарқдаги сиёсий вазият беқарорлигининг янада кучайиши, Афғонистон ҳудудидан АҚШ қўшинларини олиб чиқиб кетиш натижасида Покистонда бошланадиган бошбошдоқликлар, Уго Чавеснинг касаллиги туфайли октябрь ойида бўлиб ўтадиган сайловларда қатнаша олмаслиги мамлакатда сиёсий вазиятни янада мураккаблаштириши каби тахминлар ўрин олган.

"Foreign Policy"нинг бу йилдаги энг шов-шувли мақоласида ёзилишича, 2012 йилда еврохудуднинг парчаланиб кетиш хавфи ҳам йўқ эмас.

"La Stampa" газетаси, Италия

БЕЛОРУСЬ ИНТЕРНЕТНИ МИЛЛИЙЛАШТИРМОҚДА

LA STAMPA
Mister
Decollo con il Grande Nibbio
L'aliante segreto di Leonardo

Белорусь президенти Александр Лукашенко интернетдан фойдаланувчиларга алоқадор шов-шувли қарор қабул қилди. Бу ҳақда газета мухбири Федерика Гуеррини ёзади.

"Президент Александр Лукашенко ўзининг ақлни шоштирадиган қарори билан мамлакатда интернетни миллийлаштириш ниятида. 6 январдан кучга кирган "Маъмурий ва процессуал жавобгарлик кодексларига ўзгартириш киритиш тўғрисида"ги қарор республика аҳолисини хориж сайтларига, чегара ташқарисида ишлаб чиқилган серверларга кириш ҳуқуқидан мосуво этди. Бу талабга бўйсунмаган шахснинг 96 евро миқдоридаги жаримага тортилиши кўзда тутилган", — дея ёзилади мақолада.

Янги тартиб-қоида фақат жисмоний шахсларгагина эмас, балки мамлакат ҳудудида фаолият юритаётган тадбиркорларга ҳам тегишли. Энди улар фақат қаттиқ назоратга олинган миллий доменлар хизматидан фойдаланишга мажбурлар.

Бу "қаттиққўллик" мезони wi-fi тармоғига ҳам ўз таъсирини ўтказади. Қарор кучга кирган кундан эътиборан wi-fi ҳудудига эга кафе соҳиблари ўз мижозларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари учун ҳам жавоб берадилар.

"Neue Zurcher Zeitung" газетаси, Германия

"ОЁҚ КИЙИМЛАР" НОРОЗИЛИГИ

Neue Zürcher Zeitung
Leerer Handschlag in New York

"Ўтган шанба куни юзлаб одамлар Германия федераль президенти Кристина Вульф қароргоҳи олдига тўпланишди", деб ёзади газета. Уларнинг мақсади, президент олиб бораётган сиёсатдан норозиликларини билдириш бўлган. Намойиш "Президентга оёқ кийимларимизни кўрсатамиз" шиори остида уюштирилган.

Шу ўринда, бир воқеани эслаш жоиз. Бир неча йиллар олдин АҚШ экс-президенти Жорж Бушга ироқлик журналист ўз оёқ кийимини ечиб улоқтиргани анчайин гап-сўзга хамиртуруш бўлганди. Бундай хатти-ҳаракати билан ўз фикрини ифодаламоқчи бўлган журналист тез орада бутун дунёга машҳур бўлиб кетган эди. Шанба кунги "оёқ кийимлар" намойиши эса ГФР президентининг истеъфосини талаб қилмоқда.

Эслатиб ўтамиз, 2011 йил декабрь ойи ўрталарида Кристина Вульф ўзига имтиёзли кредит олгани ва бу далилнинг ошкор этилмагани сабаб турли нохушликлар гирдобида қолган эди.

Улуғбек АСРОРОВ тайёрлади.

Билмаганни билган яхши

Қачонгача алимент тўлайсиз?

— Никоҳдан ажралганидан кейин собиқ эр ёки хотиннинг таъминот олиш ҳуқуқи қай даражада ва қачонгача сақланиб қолади?

О.Ҳамдамов
Юнусобод тумани

Оила кодексининг 118-моддасига асосан етарли маблағга эга бўлган собиқ эр (ёки хотин)дан:

— собиқ хотин ҳомиладорлик даврида ва ўртадаги бола туғилган кундан бошлаб уч йил давомида;

— ўртадаги ногирон бола ўн саккиз ёшга тўлгунча ёки болаликдан 1-гуруҳ ногирони бўлган болага қараган ёрдамга муҳтож собиқ хотин ёки эрга;

— никоҳдан ажралгунга қадар ёки никоҳдан ажралган пайтдан бошлаб бир йил давомида меҳнатга лаёқатсиз бўлиб қолган ёрдамга муҳтож собиқ хотин ёки эрга;

— никоҳдан ажралган пайтдан бошлаб беш йил ичида пенсия ёшига етган ёрдамга муҳтож хотин ёки эр, агар эр-хотин узоқ вақт никоҳда туришган бўлса, суд тартибида алимент талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Никоҳдан ажралгандан кейин собиқ эр ёки хотинга тўланадиган алимент миқдори ва уни тўлаш тартиби улар ўртасидаги келишув билан ҳам белгиланиши мумкин.

Саволга М.Улуғбек тумани ДНИ нотариуслари Лутфияхон АҲМЕДОВА, Шоҳида АЗИМОВА жавоб берди.

Солиқ тўловчи вафот этса...

— Солиқ тўловчи вафот этса, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш унинг меросхўри зиммасига юклатиладими? Агар мерос қиймати солиқ мажбурияти суммасидан кам бўлса, тўловлар қай тартибда амалга оширилади?

Н.АМИНОВ
Бекобод тумани

Солиқ кодексининг 52-моддасига асосан вафот этган шахснинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбурияти унинг мерос қилинган мол-мулкини қабул қилган меросхўрлари томонидан бажарилади. Бу мерос қилинган мол-мулкнинг қиймати доирасида ва меросдаги улушга мутаносиб равишда, мерос қилиб олинган кундан эътиборан бир йилдан кечиктирмасдан амалга оширилади. Вафот этган шахс тўлаши лозим бўлган пеня ёки жарималарни тўлаш мажбурияти меросхўрларга нисбатан татбиқ этилмайди.

Вафот этган шахснинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбурияти суммаси мерос қилинган мол-мулк қийматидан ортиқ бўлган тақдирда, қарзнинг қолган суммаси — умидсиз қарз деб эътироф этилади.

Саволга Сирғали туманидаги 3-сонли ДНИ нотариуси Холида КОМИЛХУЖАЕВА жавоб берди.

Фикр

ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК — ТАРАҚҚИЁТ ПОЙДЕВОРИ

Юртбошимизнинг «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да оилавий бизнеснинг қонуний асосларини яратиш лозимлиги алоҳида таъкидлангани бежиз эмас. Чунки республикамизда шундай бизнесни ривожлантиришнинг имкониятлари жуда катта.

Оилавий бизнеснинг қонуний асосда ташкил этилишини йўлга қўйиш орқали пировардида тадбиркорлик фаолияти кенг тус олади, қолаверса, бу аҳоли бандлигини таъминлашда ўзига хос ўрин тутади. Буни қуйидаги маълумотлардан ҳам кўриш мумкин. Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига яратилган иш ўринлари 2009 йилда 36486 тани ташкил этган бўлса, 2010 йилда 43179, 2011 йилнинг 1-чорагида эса бу кўрсаткич 25889 тага етган.

Келтирилган маълумотлардан ҳам кўриниб турибдики, мамлакатимизда фуқароларнинг оила шароитида азалдан тўплаган тажрибалари катта. Шу боис, у билан шуғулланишга мойиллик кучли. Оилалар бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари мамлакатимизда ўз даромад манбаи ва тирикчилик воситасига эга бўлган оилалар сонининг муттасил ошиб бораётганини, жумладан, 2008 йилда бу кўрсаткич 85,1 фоиз, 2010 йилда эса 89,6 фоизни ташкил этганини кўрсатади. Демак, мамлакатимизда оилавий бизнеснинг қонуний асосларини яратиш, хусусан, «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонунни қабул қилишни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Мазкур қонун қабул қилинса, мамлакатда тадбиркорликнинг янги шакли ривожланиб, аҳолини ички истеъмол буюмлари ҳамда янги иш ўринлари билан таъминлаш имконияти янада кенгаяди.

Тўғри, амалдаги қонунчилигимизда оилавий тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш бўйича ташкилий-ҳуқуқий асослар яратилган бўлиб, унга кўра, оилавий бизнес асосан якка тартибдаги тадбиркорлик ёки хусусий корхона ва масъулияти чекланган жамият шаклида амалга оширилиши белгилаб қўйилган. Бироқ бу фақат хусусий корхона эгаси ёки МЧЖ директори сифатида рўйхатга олинган якка тартибдаги тадбиркорлик тузилмасидир. Гарчи бундай шаклдаги тадбиркорлик фаолиятида оиланинг бошқа аъзолари иштирок этса-да, улар манфаати ҳар доим ҳам инобатга олинмайди ёхуд иш берувчи ҳамда ишчи макони меҳнат шартномасида назарда тутилмайди. Аксинча, оила нафақат моддий бойликлар истеъмолчиси, балки уларнинг яратувчиси, деб қаралиши керак. Шу нуқтаи назардан у иқтисодий муносабатлар иштирокчиси сифатида ҳам эътироф этилиши зарур. Маълумки, юртимизда асрлар давомида оилавий бизнес учун асос мавжуд бўлиб, у ўз анъаналари билан авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда. Унинг қонунийлигини таъминлашда ана шундай анъана ва кўникмалар инобатга олинса, мақсадга мувофиқ иш бўлар эди.

Бизнингча, оилавий тадбиркорлик асосан ўзига хос жамоа корхонаси сифатида ташкил этилиши ва бу жамоа оила аъзоларидан таркиб топиши керак. Низом жамғармаси асосан эгасининг мол-мулки ҳисобидан шаклланадиган хусусий корхонадан фарқли ўлароқ, оилавий корхонада барча оила аъзоларининг мулкий ҳиссаси унинг мол-мулки асоси бўлиб хизмат қилиши ҳамда корхона фаолияти давомида ушбу мулк субъекти бўлиб қолиши мақсадга мувофиқдир. Шу ўринда корхонани бошқаришда жамоавийлик, бирлик принциплари эътиборга олиниши шарт. Бошқарув механизмини шакллантиришда эса катталарнинг обрўси, тажрибаси ва кичикларнинг уларга ҳурмат билан муносабатда бўлиши муҳим роль ўйнайди. Бироқ бунга бошқаларни мажбурлаш ва улар ҳуқуқини чеклаш орқали эмас, балки оила аъзоларининг менталитети ва маънавий қадриятлари асосида эришилади.

Ана шундан келиб чиқиб, «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонун лойиҳасини тайёрлаш жараёнида оилавий корхона тарзида хўжалик фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини жорий этиш, уларнинг фаолият кўрсатиш соҳаларини, оилавий корхона иштирокчилари ҳамда корхонани рўйхатдан ўтказиш ва тугатиш механизмини аниқ белгилаш лозим бўлади. Оилавий корхоналарнинг бухгалтерлик ҳисоби ва уларга солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби ҳам қонун лойиҳасида акс этиши ниҳоятда муҳим.

Бир сўз билан айтганда, Юртбошимиз томонидан мазкур Концепцияда белгилаб берилганидек, оилавий бизнесни ташкил қилишнинг қонунчилик базаси яратилса, унинг ҳуқуқий кафолатларини кучайтириш, иқтисодиётнинг турли соҳаларида унинг жадал ривожланиши ҳамда янги иш ўринларининг яратилишига қўшимча имконият туғилади. Мазкур фаолиятнинг амалга оширилиши эса нафақат келажакда оила ривожига, балки мамлакат тараққиётига ҳам хизмат қилади. Бинобарин, оила ривожи юрт истиқболини белгилайди. Тўкин-сочин, фаровон ҳаёт кечирадиган оилалар жамиятнинг мустаҳкам асоси ҳисобланади.

Абубакр РАҲИМОВ, Шаҳноза ЗОКИРОВА,
Тошкент давлат юридик институти магистрантлари

Фарғона вилоят ҳудудий
«Пахтасаноат»
акциядорлик бирлашмаси
жамоаси

Барча юртдошларимизни,
ҳарбийларимизни, сержант ва
офицерларни
Ўзбекистон Республикаси
Қуролли Кучларининг 20 йиллиги ҳамда
14 январь — Ватан ҳимоячилари куни
билан муборабод этади.

Тинчлик ва омонлик, бахту-саодат ҳамиша йўлдошингиз бўлсин!

Табиат ва биз

Ёввойи фауна ва флора олами

Биз ёввойи деб аташга ўрганган, маълум ҳудуд ва даврга оид фауна (ҳайвонот дунёси), флора (ўсимликлар олами)нинг қирилиши бундан бир неча аср аввал бошланган. Браконьерлар тимсоҳнинг терисини, филнинг суягини қўлга киритиш учун уларни шафқатсизларча овлашни одатга айлантиришди. Кейинчалик бу нохуш анъана дунёга ёйилди. Натижада асримизга келиб атроф-муҳит, наботот олами муаммоси долзарб масалага айланди.



Бугун деярли ҳар куни флора ёки фауна оламидаги тирик организмларнинг, жилла қурса, битта тури бирор мамлакатнинг ёки дунёнинг «Қизил китоб»ига киритилаётир. Статистик маълумотларга кўра, йўқ бўлиб кетиш хавфи юқори ёввойи ҳайвонлар савдосидан браконьерлар йилига 6 миллиард АҚШ доллари миқдорида фойда олишади. Жаҳон жамоатчилиги бундай ноқонуний савдога чек қўйиш мақсадида қатор саъй-ҳаракатларни амалга оширмоқда. Хусусан, «Йўқ бўлиб кетиш хавфи мавжуд бўлган ёввойи фауна ва флора турларининг халқаро савдоси тўғрисида»ги Конвенция бу борадаги муҳим ҳужжатлардан бири саналади. Конвенция ҳайвонлар ва ўсимликларнинг экспорти ва импорти устидан самарали назорат қилиш функциясини амалга оширади. Ушбу ҳужжат 1973 йилнинг 3 мартида АҚШда, 80 давлат вакилларининг учрашувида қабул қилинган бўлиб, 1975 йилнинг 1 июлидан кучга кирган. Унга аъзо бўлиш ихтиёрий. Ҳозир ушбу Конвенцияга аъзо давлатлар сони 169 тага етган. Қувонарлиси, ушбу ҳужжат кучга киргандан буён ҳимояга олинган ҳайвон ё ўсимлик турларининг йўқолиб кетишига барҳам берилди.

Конвенция юртимизда 1997 йилнинг 25 апрелида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан ратификация қилинди ва 8 октябрдан кучга кирди. Ушбу халқаро битимга кўра, ҳайвонот ва ўсимлик дунёси намуналари божхона орқали фақат махсус сертификат мавжуд бўлгандагина олиб ўтилиши мумкин. Маъмурий органнинг асосий вазифаси, Конвенциянинг I, II ва III иловаларига киритилган ўсимлик ва жониворлар турларининг давлат чегараси орқали ўтишига рухсат бериш, квоталардан тўғри фойдаланиш ҳамда тирик намуналарни ташиш қоидаларига риоя этилишини назорат қилишдан иборат. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг «Ботаника» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси унинг Ўзбекистондаги илмий органи ҳисобланади.

Бугун республикамизда 15 минг турдаги жонивор, 4500 га яқин ўсимлик турлари рўйхатга олинган. Шулардан 184 турдаги жонли мавжудот, 301 турдаги ўсимлик республикамиз «Қизил китоби»нинг кейинги нашрига киритилди. Биологик хилма-хилликни сақлаш бўйича 9 та қўриқхона, 2 та миллий боғ фаолият кўрсатмоқда.

Шамсиддин АМОНОВ,
ТДЮИ талабаси

10 январь — Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек туғилган кун

ХАЁЛ КЕМАСИДА КЕЗАР ЁЛҒИЗ ОЙ...

Эссе

Уни илк бор адабиёт китобимдаги сурати орқали таниганман. Маънодор йирик-йирик кўзларию дўпписи тагидан чиқиб турган жингалак сочлари раҳматли бобомни эслатар эди. Ойбекнинг нигоҳи бошқа адибларнинг қарашларига сираям ўхшамаслигини ўша дамларда англаёлмаган бўлсамда, нимагадир кўнглимга ўтириширб қолди. Кейинчалик у ҳақдаги тасаввурларим ортди: шоир, ёзувчи, академик. У инсон эсланганида ҳар гал ёдимизга «лоп» этиб тушадиган, ҳамма учун севимли ўша машҳур шеърининг биринчи бандини мактабда энг ёмон ўқийдиган бола ҳам ёддан биларди: «Нафис чайқалади бир туп наъматак...» Адабиёт ўқитувчимиз-да, телевизорларда унинг тўғрисида нутқ ирод қилувчи кишилар-да, китобларда у ҳақда хотиралар ёзган замондошлари-да унинг исмига «домла» иборасини қўшиб гапиришарди, ёзишарди. Ҳартугул, Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек ҳақидаги болаликдаги таассуротларим шундай бўлган.

Ойбекнинг шеърини далага чиқиб,
Майсага ёнбошлаб ўқимоқ керак.
Ва сокин шивирни — оҳангни уқиб,
Ойбекми? Майсами? — деб толсин юрак.

Ардоқли шоирларимиздан бири Хуршид Давроннинг адибга бағишлаган бир шеъри шундай сатрлар билан бошланади. Гарчи ҳозир юртимизда қиш, ҳали майсалар ердан бош кўтармаган эса-да, Ойбек тимсоли кўз ўнгимда яна намоён бўлди. Оташин қалбидан қуйилиб чиққан мисраларга жон инди:

Бир ўлкаки, тупроғида олтин гуллайди,
Бир ўлкаки, қишларида шивирлар баҳор...

Улкан адиб, халқимиз фахрига айланган улуғ намоянда Ойбекнинг шеърларидан ёд билган мисраларимни такрорлаб боряпман-у, у ҳақда ёзилмаган, таҳлил этилмаган жиҳатлар бормикан, деган саволга жавоб топа олмай шошиқаман.

Ана, истиқболда икки қаватли уй. Унинг пештоқига «Ойбек уй музейи» деган лавҳа илинган. Гўё, бир неча дақиқадан сўнг у билан учрашадигандек қалбим тошиқиб кетди.

Музей билан танишиш шоирнинг болалигига бағишланган хонадан бошланади. Болалик туйғулари... уни англаш учун қайсидир маънода болага айланиб, қалбан ўша олам руҳига сингиш керак. Хона тўрига ўрнатилган ойдин кеча акс эттирилган ойнадаги фотовитраж ёш шоир шеърлари остига нима учун айнан «Ойбек» дея имзо чекканини англатади, бола Ойбекнинг руҳиятига кириш учун ўзига хос дарчага айланади. Ўшанда унинг онасига нима учун ойни олиб беринг, дея хархаша қилганлигини тушунгандек бўласиз, гўё. Ойга беқарор бўлган фарзандининг инжиқликларига бепарво онага бағишланган шундай сатрлар бор:

Қаҳратон қиш... Совуқ... Титрар қўлларинг;
Тутолмас игнани... Ўлик бир кеча
Илиқ нафаслари сўнган танчага
Ётқизгач бизларни, очиб китобинг —
Ўқирдинг ичингда... Мендан-да уйқу —
Қочарди... Боқардим маъюс, жимгина.
Болалик севгим-ла, олтин севгим-ла...
У онлар кўнглимдан ўчмайди мангу!

Ойбекнинг қалбида адабиётга бўлган қизиқиш уйғонишида онасининг ҳиссаси катта бўлганини унинг ўзи шундай ифодалаган эди: «Онам раҳматлик саводхон эдилар. Навоий, Фузулий, Машрабни кўп ўқир эдилар. Ўша ғазалларнинг жаранги қулоғимда қолган».

Онасидан эшитган ғазалу рубоийлар айнан аёзли кечаларда тингланган учун ҳам бу хотиралар Мусонинг қалбида бир умрга муҳрланиб қолгандир. Эҳтимол, шу хотиралар ҳаққи учун у бир умр бола бўлиб яшагандир. Бироқ унинг қуйидаги сўзлари ақлан етук, камолотга етган Ойбек тимсолини кўз олдимизда яна бир бор гавдалантиради: « ...шундай бир пайт келиб қолдики, мен энди ё олим-иқтисодчи ва ё ёзувчиликдан бирини танлаб олишим зарурлигини яхши ҳис этдим. Аммо кўнгилда адабиётга, шеъриятга муҳаббат зўр бўлганидан билдимки, менинг чинакам майлим адабиёт томонда». Ўшанда у иқтисодчиликдан воз кечган. Бу сўзларга бошқа нуқтадан қарасак, унинг адабиётга бўлган меҳри, садоқати рўй-рост кўринади.

Чўлпоннинг «Гўзал» шеърининг асл маъносида ёр васфи, маъжозий маъносида Ватан куйланганини аксариятимиз биламиз. Аввалари «Наъматак» шеърини мен ҳам бола шуури билан фақат наъматак ҳақида, табиат ҳақида деб ўйлардим. Бир қарашда «Наъматак»да тасвир шундай туюлади. Адабиёт ўқитувчиларимиз, адабиётшуносларимиз наъматакни «Халқ» ҳам дея таърифлашган. Бу тўғридир. Бироқ...

Шу ўринда Федерико Феллинининг «Агар мен балиқ ҳақида фильм ишлаганимда ҳам у қисман ўзим ҳақимда бўларди», деган фикрларини эътиборга олсак, ўша виқор-ла ўшшайган қоя лабида нафис чайқалаётган бир туп наъматак — Ойбекнинг ўзидир. Адиб замондош-ижодкорлар ичида руҳан ёлғиз бўлган. Унинг оғиртабиат характери нафис чайқалаётган наъматакнинг айнан ўзгинасидир:

Ёлғизмен, ёлғизмен, шундай ёлғизмен,
Юлдузлар узоқдир, еллар бегона...

Эҳтимол, у ер одами бўлмаганидан ёлғизлангандир. Шовқин-суронли, ғала-ғовурли оламга сингиб, қоришиб кетиш унинг қўлидан келмагандир. У осмон одами, самоники эканини ўзи ҳам таъкидлайди:

Хаёл кемасида сира чарчамай,
Кезаман жимгина, мен коинотни...
Сен мени масхара қилма, гўзал ой,
Шоирлар севади шундай ҳаётни.

Ваҳший қоялар, тошлар эса унинг атрофида гирдикапалак бўлиб юрган ноқобил дўстлари эди:

Дўстим, ёмонлардан зинҳор ҳазар қил,
Фирибгар ошнолар зимдан тўсар йўл.
Ҳақиқатни севмас, виждонсиз бахил,
Куйганмен улардан, ёғдирган тош-йўл.

Гарчи унга отилган тошлар бу шеър ёзилгандан кейин содир бўлган эса-да, бироқ шоир шундай бўлишини олдиндан билган, ҳис қилган (Бу шоир истеъдодининг яна бир ноёб қиррасидир). Сезса-да, сукут сақлагандир. Унинг уй-музейида қайсидир шогирдининг газетада ёзган мақолаларию (Ойбекнинг бир романини ёмонлаб) яна биринг «тазарру» қилиб ундан кечирим сўрашини тасдиқловчи тарихий ҳужжатлар осиғлиқ турибди. Буни эса ойни этак билан ёпиб бўлмаганидек, яшириб бўлмайди. Аммо ўшанда кечирим сўраб келганларни Ойбек афв этган экан. Буни юксак олижаноблик, наъматакнинг қуёшга бир сават оқ гул тутиши, дейиш мумкин.

Ойбекнинг ўша давр одами эмаслиги, юксакда юриши рост эди. Бироқ унга пастдан туриб тош отувчилар кўп бўлганидан у барисига дош беролмай узоқ вақт тўшакка қадалиб қолади. Хасталик даврида ёзган бир шеърини ўқиб тўлқинланиб кетдим:

Ҳастамен... Фикрга, туйғуга тўлиб —
Ой менга ҳамқадам — сокин юрамен.
Соғайсам бир куни ёзамен тўйиб,
Ҳисларга қалбимни қўшиб ёзамен.

Кечалар юрурмен телбадай ҳориб,
Бошимда ой борур — менга ҳамқадам,
Хаёллар учади машъалдай ёниб,
Тўйиб ёзажакман бир кун соғайсам...

Ижодкорнинг дарсликлардаги суратларида лаблари жилмайса-да, кўзлари кулмасди. Уларнинг маъюс боқаётгани мени доим ўйлантирарди. Ўқиган китобларимда «оғир хасталикка чалинган» дея лўнда қилиб ёзиларди, холос. Уларнинг тафсилотини кейинчалик билдим. Шундан сўнг ўша кўзлардаги «маъюслик калаваси»нинг учини топгандай бўлдим. Унинг кўзлари кулгани музейдаги бирор суратда ҳам учрамайди. Ойбек кўзларидаги мунгнинг боисини англаганим шу бўлди: унинг тугалланмай қолган «Бобур», «Темур» достонлари юрагига бир қадар армон, бир қадар ўкинч ҳавосини олиб кирганлиги рост. Улуғ саркарда Амир Темур ҳақида роман, Бухоронинг 1917 йилга қадар бўғиқ, фожиали ҳаёти, унинг сўнгги амири ҳақида ёзиш шоир учун мангу армон бўлиб қолди. Қалбингда юксак армон бўла туриб кўзларинг қандай кулиши мумкин...

Ҳар йили 10 январь санасида Ойбекнинг уй-музейида уни билган, таниган, ўзига дўст, устоз деб билганлар, ойбекшунос олимлар йиғилишиб, уни ёд этишади.

Музейга келганимнинг навбатдаги кунида бу ерга йиғилганлар шу муносабат билан уни такрор эслашди, руҳини шод этишди. Қўлимдаги Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «Фан» нашриётида чоп этилган «Армуғон» деб номланган китобнинг кичик тақдимоти ҳам айнан ўша кечада бўлиб ўтди. Китобни варақларканман, Ойбек ҳақидаги тасаввурларим янада ортди. Қирқ битта шоирнинг унга бағишлаб ёзилган элликдан ортиқ шеърини ўзида жамлаган жажжи китобчада таниқли шоир Рауф Парфининг унга аталган шундай мисралари бор:

Тоғлар аро бир ойдин булоқ,
Атрофида шивирлар ўтлоқ.
Булоқда шаън ва собит чирой.
Нур йўлидек ўйлари йироқ,
Сувда мангуликдек сузар ой...

Бироқ, ҳайҳот, бир қуюн келди...
Ойдин булоқ қайга беркинди?!
Қайдадир шаън ва собит чирой?
Фалакларга қарайман энди,
Фалакларда сузиб юрар ой...

Музейдан чиқиб, у ердан истамайгина узоқлашаман. Ичкаридан олган илиқ таассуротларим кўнглимни ситар, руҳимга тетиклик бағишлар, кўз олдимда музей ҳовлисидаги Ойбекка ўрнатилган юксак ҳайкал жонланар, шоирнинг энг яқин кишиси — Зарифа Саидносированинг «Ойбегим менинг» китобидаги қуйидаги хотиралар фикримни банд этганди: «Ойбек жуда келишган, кўркам салобатли инсон эди. Юз ва кўзларининг ифодасидан руҳан бойлиги, ички дунёсининг кенглиги, ақл-заковати, гўзаллиги ва софлиги кўриниб турарди. Буни рассомлар ҳам, ҳайкалтарошлар ҳам тўла ифода эта олмадилар. Бу мукаммал чеҳра фақат менинг юрагимда қолган...» «Халқимизнинг ҳам», деган сўзлар менинг-да қалбимдан отилиб чиқди...

Фозил ЖАББОРОВ,
«Hurriyat» мухбири

Мутолаа

Бугунги адабиётда инсон табиатидаги қусурларни инкишоф қилишга мойиллик кучли. Ва бу жуда тўғри йўл. Чунки ҳаёт ва жамиятдаги барча иллатларнинг илдизи инсоннинг ўзида, яъни ноинсоний хатти-ҳаракатлардадир.

Инсоний туйғулар ифодаси

Ҳулкар Тўйманованинг ҳикоялари заминида худди шу масала ётади: инсон табиатидаги, руҳиятидаги эзгуликни ёритиш орқали фосиқлик, худбинлик дунёсини фош қилиш, киши қалбини поклаш. У буни оғзаки баён қилмайди, воқеалар олами тасвирида кўрсатади. Бу борада "Қўшнилар" ҳикояси ибратлидир. Ҳикоя қишлоқ қиёфаси, у ердаги ҳаёт, одамларнинг турмуш тарзи, кундалик юмушлари, томорқадаги экин-тикин, дов-дарахтлар шунақа ёркин тасвирланадики, китобхон бевосита у жойларни севиб қолади, қишлоқдан келган бўлса, соғинч туйғуларидан жунбушга келиб, ўз гўшаси томон интилади. Бу, албатта, ёзувчининг тасвирлай олиш маҳорати ҳамда тасвирда табиат билан инсоннинг умр йўли уйғунлигининг инъикосидир.

Адиба ёзади: "Чол куч-қувватдан айирмайдиган эрмак деб биладими, тирикчилик манбаи, деб қарайдими, ҳартугул олти ой томорқадан чиқмайди. Шунинг эвазигадир, қишлоқда ҳеч кимнинг экинзори уникидек гуллаб-яшнамайди. Ер қор, ёмғир сувига обдон тўйиниб, кўпчиб офтоб нурларини эма бошлаган ҳамал кунларида чол тонг саҳардан номозшомга қадар томорқасида ғимирлар, маккажўхори, беда, картошка, пиёз, сабзи, бодринг, ҳаттоки саримсоқпиёзгача, қизлари учун ўсмага жой топилади". Буни ўқиб, Мирзақул чолнинг меҳнаткашлигидан унга нисбатан кишида меҳр тобланади, ҳавас уйғонади. Ҳатто қўшниси Раҳмон муаллим ўз ҳавасини ва ундай томорқа қилолмаслик ўкинчини очиқ изҳор қилади. Лекин кейинги тасвирлардан Мирзақул чолдан кишининг кўнгли қолади. Ҳикоя давомида ўқувчи унинг ниҳоятда худбин шахс эканини англай бошлайди.

Ҳикоядан кишининг қалби икки томонлама покланади. Биринчиси, Мирзақул чол ҳаракатларидан нафратланиб, жисмида «катарсис» ҳодиса юз беришидан ва унинг бошига тушган кўргуликлардан имон келтириш бўлса, иккинчиси, Раҳмон муаллимнинг инсонийлигидан. Ҳикоя шу хусусияти билан маънавий ва маърифий аҳамиятга эга.

"Ҳеч нарса адолатсизлик каби бизни изтиробга солмайди, бошимизга тушган бошқа кулфатлар унинг олдида ҳеч гап эмас" (Иммануил Кант). Муаллифнинг "Исён" ҳикоясини ўқиган одам бунга амин бўлади. Чунки ҳикоя қаҳрамони Адолат фожиасининг замини адолатсизлик ва худбинликдир. Ҳикоя ғоят маҳзунликка эга. Ҳам зоҳирий, ҳам маънавий гўзал бир ҳилқатнинг ўз жонига қасд қилиши киши қалбини вайрон қилади.

Мазкур ҳикоя қаҳрамонининг шафқатсиз ҳаракатларини ёзувчи фарзандсизликдан деб оқлашга мойиллиги кишини ажаблантиради. Тўғри, бизда фарзандсизлик катта бахтсизлик, лекин фожиа эмас. Руҳлари бир-бирига мос тушганлар бир-бирини умрбод қадрлаб яшайди. Бунга ҳаётда, бадиий адабиётда мисоллар кўп. Саид Аҳмаднинг "Кўзларида ўт бор эди" ҳикояси, Тоғай Муроднинг "Ойдинда юрган одамлар" қиссаси шулар жумласидан. Бу асарларни киши ўқиганда дили яйрайди. Чунки улардаги ҳаётий мантиққа эга, асосланган воқелик замиридаги гуманизм киши қалбига нур бағишлайди.

Ҳулкар Тўйманова ўзига хос ёзувчи, у доимо изланишда. Унинг ҳаётни тийрак нигоҳ билан кузатиши, ҳаётий тасвирлаши, инсоннинг тийнатини ичдан ёритиши катта адиба шаклланаётганидан далолат беради.

Ҳакимжон КАРИМОВ,
филология фанлари доктори, профессор

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри — «Ергеокадастр» давлат қўмитаси жамоаси

юртдошларимизни
14 январь — Ватан ҳимоячилари куни
билан самимий табриклайди.
Ватан ҳимоячилари —
шонли ҳарбийларимизга
Ўзбекистон Республикаси хавфсизлигини,
фуқароларимизнинг тинч-осуда ҳаётини
таъминлашларида катта
муваффақиятлар тилайди.
Осмонимиз ҳамиша мусаффо бўлсин!

Ягона оила

ЎЗБЕКИСТОН — БАҒРИКЕНГ ДИЁР

Ўтмиш ва келажак ҳар бир миллат ва мамлакат тарихини намоён этадиган ўзига хос ойнадир. Бирига боқсанг босиб ўтган йўлинг, иккинчисида эса ёрқин келажагинг кўриниб туради. Унда акс этган ҳақиқатлар шу замин, шу юрт одамларининг феъл-атвори, маданиятию маънавиятидан далолат беради. Балки шу сабаб аждодларимиз деганда кўз ўнгимизда меҳнаткаш, меҳмондўст ва бағрикенг халқ бутун борлиғи билан гавдаланади. Ҳа, бағрикенглик қон-қонига сингиб кетган ота-боболаримиз азалдан турли миллат вакиллари билан ога-инилардек дўст-биродар бўлиб яшаган.

Бугун ҳам ана шу азалий анъана давом этмоқда. Юртимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари бир оила фарзандларидек истиқомат қилмоқда, мамлакат равнақига муносиб улуш қўшмоқда. Юртбошимиз ташаббуси билан 1992 йили ташкил этилган Республика байналмилал маданият маркази фаолияти мамлакатимизда миллатлараро тотувликни таъминлаш, жамиятда бағрикенглик тамойилларини қарор топтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Халқимизнинг бағри чинакамига кенг, қалби дарё, саховати тенгсиз. Тарих силсилаларига назар ташлайдиган бўлсак, унинг бу олижаноб фазилатлари барча замонларда, ҳатто энг қийин даврларда ҳам намоён бўлганини кўрамиз. Не-не оғир синоатли даврларда ҳам ота-боболаримиз ўзга миллат вакилларига бошпана берди, улар билан бир бурда нонини баҳам кўрди. Рус, корейс, немис, турк, поляк, грек, қрим-татар ва бошқа кўплаб миллат вакиллари бу ерни иккинчи ватан тутди. Уларнинг ҳозирги авлодлари учун эса Ўзбекистон она Ватандир. Чунки улар шу ерда туғилди, ўқиди, обрў-эътибор топди.

— Отам украин, онам арман миллатига мансуб, — дейди «Дўстлик» ордени соҳибаси Лариса Вишневская. — Улар 1937 йили Азербайжаннинг Боку шаҳридан Тошкентга кўчиб келишган. Ҳар иккиси ҳам зиёли инсонлар бўлиб, Ўзбекистонга, бағрикенг ўзбек халқига ҳурмати чексиз эди. Ўзим Тошкент шаҳар, Олмазор туманидаги 242-мактабда кўп йиллар ёш авлодга сабоқ бердим. Ўқитувчилик касбини эъзозлаб кам бўлмадим. Ўтган йили муҳтарам Президентимиз Фармонига биноан «Дўстлик» ордени билан тақдирландим. Камтарона меҳнатим қадр топганидан бошим осмонга етди.

Дарҳақиқат, инсон қадрланган жой унинг учун азиз ва муқаддас. Унга кўрсатилган эътибор, меҳр кўксини тоғдек кўтариб янада самарали меҳнат қилишга ундайди. Яхшиликлар сари чорлайди.

— Бундан эллик йил илгари Белорусда йигитлик бурчини ўташ учун ҳарбий хизматга борган ўзбек йигити Қаҳҳор билан танишдим, — дейди Мария Гайдаленок. — Бир-биримизга кўнгил қўйдик. Турмуш қуриб Ўзбекистонга келдик. Иштиёқ билан ўзбек тилини ўргандим. Ўзим учун қондош ва жондошга айланган миллат урф-одатларини ўзлаштирдим. Менга шундай самимий, оққўнгил инсонларни дуч қилгани учун тақдиримдан миннатдорман. Бугун шу заминда туп қўйиб, палак ёздим. Кўпгина невара, эваралар бувижонисиман. Ўзбекларнинг барчаси мен учун қадрдон, дилкаш инсонлар...

Қрим-татар халқининг атоқли фарзанди, Қрим давлат индустриал-педагогика институти ректори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Февзи Ёқубов шундай деб ёзади: «Жаҳон цивилизацияси ютуқлари ҳақида гапирганда, одатда, Юнонистон ва Италиянинг фанга, Англия ва Франциянинг маданиятга, Германия ва Американинг техникага, Япония ва Швециянинг технологияга қўшган ҳиссаси тилга олинади. Агар бу рўйхатни давом эттириб, эзгулик, тинчлик, яқинларга меҳр-муҳаббат туйғулари борасида гапирадиган бўлсак, албатта, биринчи қаторга Ўзбекистонни ёзиш зарур. Агар бу бебаҳо инсоний қадриятлар масаласида халқлар ва миллатларга баҳо бериладиган бўлса, шубҳасиз, энг юқори баҳога ўзбек халқи ва Ўзбекистон сазовор бўлар эди».

Ҳар бир миллатнинг тили унинг учун бебаҳо бойлик ҳисобланади. Республикамизда миллий тиллар ривожига ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Хусусан, олий таълим тизимида ўқиш миллий тилларда олиб бориладиган махсус факультет ва бўлимлар фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 30 фоиздан ортиғи мустақиллик йилларида ташкил этилганини алоҳида қайд этиш жоиз. Телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар 11 тилда олиб борилаётган бўлса, газета ва журналлар 8 тилда чоп этилмоқда.

Ҳар жабҳада юксак марраларни забт этаётган юртимизда мустақил тараққиёт йилларида миллатлараро тотувлик ва бағрикенглик борасида ҳам кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Республика байналмилал маданият маркази фаолияти фикримизнинг ёрқин исботидир.

Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг оз сонли миллатлар бўйича Олий комиссари Кнут Воллебек Байналмилал маданият марказида бир неча маротаба меҳмон бўлди. Турли миллий маданий марказлар фаолияти билан танишди. Ўзбекистонда оз сонли миллат вакилларига таълим олиш, ўз маданиятларини ривожлантириш борасида яратилган шароитларни кўриб бу тажрибани бошқа давлатларга ҳам ёйиш керак, деган фикрни билдирди. Албатта, бу бежиз эмас. Жаҳонда миллий-этник муносабатлар мураккаблашиб, энг илғор давлатларда ҳам оз сонли миллат вакилларини камситиш, хўрлаш ва сиқиб чиқариш ҳолатлари кузатилаётган бир пайтда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари аҳил ва иноқ яшаётган Ўзбекистон чиндан ҳам бошқаларга намуна бўла оларлидир.

— Бизнинг марказ ҳозир Ўзбекистон ҳудудида иш юритаётган 140 дан ортиқ миллий-маданий марказлар фаолиятини мувофиқлаштирмоқда, — дейди Республика байналмилал маданият маркази директори Насриддин Муҳаммадиев. — Уларга ташкилий ва методик ёрдам кўрсатилмоқда. Асосий вазифаси — миллатлараро муносабатларни янада такомиллаштириш, мамлакатимизда яшаётган турли миллат ва элат вакилларининг миллий-маънавий эҳтиёжларини қондириш, ҳар бир миллатга хос урф-одат ва анъаналарни сақлаб қолишда кўмаклашиш, бағрикенглик тамойилларини қарор топтиришга қаратилган жамоатчилик ташаббусларини қўллаб-қувватлашдан иборат.

Байналмилал маданият маркази Ўзбекистонда яшаётган турли миллат фарзандларининг учрашув жойи, таъбир жоиз бўлса, ўзига хос дўстлик уйига айланган. Бу ерда мунтазам равишда халқ байрамлари, фестивалллар, учрашувлар, таниқли маданият арбобларининг чиқишлари, семинарлар ва конференциялар ўтказилади.

Ўтган йиллар мобайнида марказ томонидан миллий-маданий марказлар учун кўплаб йўриқномалар, йигирмадан зиёд илмий рисола ва тўпламлар, шунингдек, мамлакатимиздаги миллатлараро тотувлик ва бу йўлда эришган ютуқларимиз акс этган «Ўзбекистон — умумий уйимиз» альбом-китоби, «Ўзбекистон — бағрикенг диёр» ва «Ўзбекистон Конституцияси — буюк келажагимиз кафолати» мақолалар тўпламлари чоп этилди.

Истиқлол билан деярли тенгдош марказ айни пайтда ўзгача шукуҳ оғушида. Ташкил этилганлигининг 20 йиллигини нишонлаш учун тайёргарлик қизғин. Тўйга тўёна билан деганларидек, ҳар бир миллий маданий марказ ўз дастурларини тайёрлаш билан банд. Энг муҳими, уларнинг барчаси ўз бошини қовуштирган, қувонч ва ташвишларига шерик, ғамхўр Ватан — бағрикенг Ўзбекистон диёрида яшаётганидан бахтиёр. Япроқ илдиздан қувват олгани каби улар ўзларига кўрсатилаётган меҳр ва эътиборни ҳар он, ҳар дақиқада ҳис этиб туришади. Тинч ва осуда заминда, фаровон ҳаёт бағрида яшаб меҳнат қилаётганига шукроналик келтиради. Ҳолбуки, тинчлик ва дўстлик, хотиржамлик ва бағрикенглик бор жойда файзу барака бўлади.

Зотан, юртбошимиз таъкидлаганидек, Ўзбекистоннинг бойликлари кўп, лекин бизнинг энг катта бойлигимиз, энг юксак қадриятимиз — жамиятимизда ҳукм сураётган тинчлик, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликдир.

Ҳидоят ЖЎРАЕВА,
«Hurriyat» мухбири

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси фахрий журналист, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими **Нуъмон НАСИМОВ**нинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Уюшма аъзоси, фахрий журналист **Маҳкам РИХСИЕВ**нинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.

Фақат футбол ҳақида

Месси яна «энг яхши» бўлди

ФИФА ва «France Football» журнали томонидан таъсис этилган «Йилнинг энг яхши футболчиси» унвони «Барселона» клуби ва Аргентина терма жамоаси ҳужумчиси Лионель Мессига насиб этди. У танловда иштирок этганларнинг 47,88 фоиз овозини олишга муваффақ бўлди.

Шу тариқа аргентиналик футболчи ҳисобидаги «Олтин тўп» сони учтага етди. Аввал бундай натижага фақат франциялик машҳур футболчи ва айни вақтда УЕФА президенти бўлиб турган Мишель Платини эриша олган эди. У 1983-1985 йилларда Италиянинг «Ювентус» жамоасида тўп сурган пайтида уч марта йилнинг энг яхши футболчиси деб топилганди. Шунингдек, кетма-кет бўлмаса-да, уч марта «Олтин тўп»га эгалик қилган футболчилар сирасига Йохан Кройфф («Аякс» — 1971 йил, «Барселона» — 1973, 1974 йиллар) ва Марко ван Бастен («Милан» — 1988, 1989, 1992 йиллар) ҳам киради.

Мессининг устози, «Барселона» жамоаси бош мураббийи Хосеп Гвардиола эса ўтган йилнинг энг яхши мураббийи деб тан олинди. У бу борада Жозе Моуриньо («Реал», Испания) ва Сэр Алекс Фергюссон («Манчестер Юнайтед», Англия)ни ортда қолдирди.

Қуръа ташланди

Ўзбекистон миллий чемпионатини олий лига жамоаларининг 2012 йилги ўйинларига қуръа ташланди.



Қуръа натижаларига кўра, дастлабки турда «Бунёдкор» «Машъал»ни, «Динамо» «Насаф»ни, «Бухоро» «Пахтакор»ни ўз майдонида қабул қилади. Шунингдек, мазкур турда «Шўртан» — «Локомотив», «Навбаҳор» — «Қизилқум», «Металлург» — «Андижон», «Олмалиқ» — «Нефтчи» ўйинлари ҳам бўлиб ўтади.

Иккинчи турда эса «Локомотив» — «Насаф», «Нефтчи» — «Динамо», «Пахтакор» — «Олмалиқ», «Андижон» — «Бухоро», «Машъал» — «Металлург», «Қизилқум» — «Бунёдкор», «Шўртан» — «Навбаҳор» учрашувлари ўтказилади.

Олий лига ўйинлари 15 мартдан бошланиши кутилмоқда.

Демьяненко «Насаф»дан кетди

Қаршининг «Насаф» жамоаси бош мураббийи, украиналик мутахассис Анатолий Демьяненко жамоадан кетди. У энди ўз юртида фаолият олиб боради.



Айни пайтда жамоа аъзолари мураббий Рўзиқул Бердиев раҳбарлигида янги мавсумга тайёргарлик кўришмоқда. Режага кўра, жамоа бугун йиғин ўтказиш учун Дубайга сафар қилади. Жамоа икки ҳафта давомида Бирлашган Араб Амирликларида машғулотлар ўтказишади.

О.АБДУЛЛАЕВ
тайёрлади.

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

Муассис:
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Манзилимиз:
Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Электрон манзил:
hurriyat@doda.uz

Бош муҳаррир
Ўктам МИРЗАЁРОВ

Таҳрир ҳайъати:
Назира АБДУАЗИЗОВА
Фирдавс АБДУХОЛИҚОВ
Камол АЛЛАЁРОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Ғулом МИРЗО
Феруза МУҲАММАДЖОНОВА
Акмал САИДОВ
Сайди УМИРОВ
Шерзод ҒУЛОМОВ

Телефонлар: 236-53-31, 236-53-38, 236-75-15, 233-67-51
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 **Тел-факс:** 233-36-02.

Вилоят мухбирлари:

Бухоро — 8-365-592-85-02,
Самарқанд — 8-366-233-62-12,
Сурхондарё — 8-376-396-30-59,
Фарғона — 8-373-215-80-58,

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда.

ISSN 2010-7528

Индекс:
якка обуначилар ва ташкилотлар учун —233

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: **Фозил ЖАББОРОВ**

Топшириш вақти — 21 00
Топширилди — 21 35

® — тижорат белгиси.

Адади: 12518 Буюртма — Г-155 1 2 3 4 5